O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 18 март №54-55 (3328-3329) Пайшанба

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида

Наврўз Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи учун энг қадимий ва азалий байрамлардан биридир. Баҳор фасли ва табиат уйғонишининг тимсоли, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш бу айёмни орзиқиб кутиш, баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонлаш эл-юртимиз учун олижаноб анъанага айланиб қолган.

Маълумки, Наврўз байрами юртимизда март ойининг учинчи ўн кунлиги бошланишига тўғри келади. Ва шунга асосланиб, мамлакатимизда 21 март куни Наврўз байрами, деб эълон қилинган.

Анъанага кўра, Наврўзга бағишлаб пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида байрам маросимлари, халқ сайиллари ва томошалар ўтказилади.

Узоқ ва давомли тарихимиздан маълумки, Наврўз бир кун эмас, бир ой мобайнида байрам қилинади ва жойларда одамлар табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, бу айём қувончини кўпчилик билан баҳам кўради.

Халқимизнинг мана шундай байрамларни ҳар қайси воҳа ва водийнинг маҳаллий иқлим ва табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтказиши ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Республика Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда умуман иқлим ўзгариши муносабати билан айнан шу мавсумда об-ҳавонинг бузилиб, ёғингарчилик кўп бўлиши кузатилмоқда ва жорий йил ҳам бундан истисно эмас.

Бундай вазият оммавий байрам тадбирларини очиқ майдонларда, истироҳат боғларида халқимизнинг кенг иштирокида ўтказиш учун муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Наврўз умумхалқ байрамини миллий қадрият ва урф-одатларимиз руҳида кенг нишонлаш, уни ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш, одамларнинг кўнгилли дам олишини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳрида, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларни об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, март ойининг охиригача ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

2. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасига байрам муносабати билан марказда ва жойларда белгиланган барча ташкилий-амалий ишларни кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, юксак даражада ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёевга юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 март.



*«Айқулаш» қорақалпоқ миллий рақс дастасининг фаолият бошлаганига қарийб ярим аср бўлаяпти. Ана шу давр мобайнида даста иштирокчилари қорақалпоқ халқининг кўплаб миллий рақсларини оламга танитди. Унутилаёзган рақсларни қайта тиклашди. Айниқса, истиқлол йилларида қадим қадриятларнинг тикланишига имкон туғилди. Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, ҳар бир миллатнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилингани ҳолда уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, «Айқулаш» ҳам қорақалпоқ халқи рақс санъатининг гулдастасига айланди, ўз халқининг меҳрини қозона олди. Бугун ҳам даста раққос ва раққосалари бадиий раҳбар, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати Бўлат Мадреймов раҳбарлигида ижодий изланиб, янги-янги миллий рақсларни саҳнага олиб чиқишмоқда.*

**СУРАТДА: «Айқулаш» раққосаси Гулбар Абипова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатлашди.

Ўзбекистон раҳбари ўз суҳбатдошини Россия давлатига қайтадан Президент этиб сайлангани муносабати билан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Россия халқига тинчлик ва равнақ тилади.

"Россия халқи ўзининг тўрт йил аввалги хоҳиш-иродасини мана шундай ишончли ва қатъий тарзда тасдиқлашига Ўзбекистон аҳли шубҳа қилмаган эди", — деди Президентимиз. Икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида, стратегик ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Президентининг Россияга апрель ойи ўрталарига мўлжалланган амалий ташрифига ва бўлажак олий даражадаги учрашувга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати.**

## Москвада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» очилди

***Россиянинг машҳур кўргазма залларидан бири – Марказий рассомлар уйида ўтган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг тақдимот-очилиш маросими Ўзбекистон — Россия алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.***

Ўзбекистон ва Россияни кўплаб умумий ришталар бир-бирига боғлаб туради. Лекин сўнгги йилларда икки мамлакат фан ва маданият намояндалари ўртасидаги муносабатларда маълум бўшлиқ пайдо бўлгани сезилиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида бир-биримиз ҳақидаги хабардорлик даражасига ҳам салбий таъсир ўтказмасдан қолмади. Шу муносабат билан янги ташкил этилган мустақил, ноҳукумат, ижтимоий жамғарманинг асосий мақсадларидан бири сўнгги йилларда халқларимиз ўртасида пайдо бўлган маданий ва ахборот бўшлиғини тўлдиришга қаратилган.

Москвадаги мазкур жамғарма икки мамлакатнинг таниқли фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ташаббуси билан ташкил этилди. Улар орасида кинорежиссёр Малик Қаюмов сиёсатшунослик фанлари доктори Гулнора Каримова, театр режиссёри Наби Абдураҳмонов, кинорежиссёрлар Зулфиқор Мусоқов ва Юсуф Розиқов, рассомлар Акмал Нур ва Ортиқали Қозоқов, "Томоша" болалар гуруҳининг раҳбари Нодира Қурбонова, бастакор Алишер Икромов, космонавт Владимир Жонибеков, халқаро рассомлар конфедерацияси ижроия қўмитаси раиси Масут Фатхуллин, Россия табиий фанлар академиясининг академиги, археолог Борис Ставиский, академиклар Ражаб Исломбеков ва Эдуард Ртвеладзе, қўшиқчилар Стахан Раҳимов, Алла Йошпе ва Елена Образцова, актёрлар Леонид Броневой, Александр Абдулов, Вера Алентова, "Эрмитаж"нинг Шарқ бўлими бошлиғи Григорий Семенов, телерадиоэшиттирувчилар миллий ассоциациясининг президенти Эдуард Сагалаев ва бошқалар бор.

Тақдимотда Россиянинг атоқли сиёсий ва давлат арбоблари, ишбилармон доиралари вакиллари, етук фан, маданият ва санъат намояндалари, жумладан, ушбу аҳамиятга молик тадбирда иштирок этиш учун Тошкентдан махсус ташриф буюрган ўзбекистонлик таниқли маданият ва санъат вакиллари гуруҳи иштирок этишди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг тантанали очилиш маросимидан сўнг тақдимот меҳмонлари ва иштирокчилари ўзбекистонлик таниқли мусаввирлар кўргазмаси билан танишишди.

Шундан сўнг машҳур қорақалпоқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қаипбергеновнинг "Бобомга, у дунёга хатлар" номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Асар Россиянинг "Мир" нашриётида чоп қилинган.

Иқтидорли ўзбек кинорежиссёрлари Ю.Розиқов ва З.Мусоқов тақдимот иштирокчиларига ўз ижодларининг сўнгги йиллардаги энг ёрқин лавҳаларини намойиш этишди.

Кечада иштирок этган машҳур опера қўшиқчиси Елена Образцова "Жаҳон" АА мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади:

— "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ташкил қилинганлиги Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик тараққиётининг янги босқичини ўзида акс эттирувчи эътиборли воқеа саналади. Мен маданиятлар ҳамкорлиги тараққиётининг бу муҳим жараёнига ўзимнинг жамғармадаги иштироким билан камтарона ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Мен шу йил март ойи охирида Ўзбекистонга ташриф буюриб, машҳур қўшиқчи З.Саткилава, ажойиб ўзбек санъаткорлари И.Жалилов ва М.Раззоқова билан биргаликда гала-концерт беришни режалаштираяпман. Жамғармага эса оқ йўл тилайман!

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси режаларидан яна кўплаб турли маданий тақдимотлар, ҳар хил тадбирлар ва қўшма лойиҳалар ўтказиш ўрин олган.

**М. ЗОҲИДОВ.**
**"Жаҳон" АА.**
**Москва.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сон Фармонига мувофиқ ҳамда кинематография соҳасидаги республика ва ҳудудий органлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

"Ўзбеккино" Миллий агентлигининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси ва ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари;

"Ўзбеккино" Миллий агентлигининг Низоми тасдиқлансин.

2. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 41 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари сони 22 нафар этиб белгилансин.

"Ўзбеккино" Миллий агентлигига Агентлик бош директорининг икки нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосар ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган етти кишидан иборат Ҳайъат бўлишига рухсат берилсин.

Агентлик бош директорига марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича "Ўзбеккино" давлат-акциядорлик компаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисоблансин.

"Ўзбеккино" Миллий агентлигига соҳа акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари пакетларини (улар белгиланган тартибда профессионал бошқарувчи компанияларга топширилгунга қадар) бошқариш ваколати берилсин.

4. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги:

мамлакатимизда яратилаётган бадиий ва ҳужжатли кино-видеофильмларнинг маънавий ва бадиий савиясини ошириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар ва талабларни акс эттириш мақсадида профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузсин, унинг Низомини бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин;

ҳудудий бўлимлар тўғрисидаги намунавий Низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда "Ўзбеккино" давлат-акциядорлик компаниясини "Ўзбеккино" Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва мулкий масалаларни бир ой муддатда ҳал қилсин.

5. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги учун 2005 йилдан бошлаб қуйидаги йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболли кўрсаткичлари белгилансин:

15 та тўла метражли бадиий кинофильм яратиш;

40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультипликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш;

ҳар бир яратилган бадиий кинофильмдан дубль-негатив тайёрлаш ва вилоятларда кенг намойиш этиш учун 15 нусхадан, жаҳон бозорига чиқариш учун чет тиллардаги субтитрлар билан 2 нусхадан кўпайтириш.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги "Ўзтелерадио" компанияси билан ҳамкорликда 2005 йилдан бошлаб қўшимча равишда ўз даромадлари ва ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда, замондошларимиз ҳаёти, ижтимоий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий кино ва видеофильмлар, телесериаллар ишлаб чиқариш ва намойиш қилишни йўлга қўйсин.

6. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2004 ва 2005 йилларда кино ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг замонавий кинотехнологик жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини бир ой муддатда асосланган ҳисоб-китобини қилиб, зарур маблағларнинг миқдори ва молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

"Ўзбеккино" Миллий агентлигига фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида сценарий муаллифларига қалам ҳақи ва ижодий гуруҳнинг бошқа аъзоларига мукофот миқдорини Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилашга рухсат берилсин.

7. Республикадаги кинотеатрларнинг фаолияти ва мавжуд ҳолатини атрофлича ўрганиш мақсадида Махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, Давлат мулки қўмитаси ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳудудий бўлимлари мутахассисларидан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар тузсин.

Ҳудудий ишчи гуруҳлар икки ой муддатда:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, жойлардаги барча кинотеатрлардан мақсадли фойдаланилиши, уларнинг моддий-техника базасининг ҳолати ва асосий фаолият тури бўйича иш юритилишини инвентаризация қилсин;

мавжуд кинотеатрлардан самарали фойдаланиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш негизида кинопрокат тизимини кенгайтириш ҳақидаги таклифларни Махсус комиссияга тақдим этсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда кинотеатрлар тизимини ривожлантиришнинг аниқ йўналтирилган дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

"Ўзбеккино" Миллий агентлигининг марказий аппарати харажатларини республика бюджети, ҳудудий бўлимларни маблағ билан таъминлашни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширсин;

2004 ва 2005 йилларда давлат бюджетидан кинематография соҳасини замонавий кинотехнологик жиҳозлар билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар ажратсин;

2005 йилдан бошлаб йиллик режалаштирилган кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун республика бюджетидан белгиланган маблағларни ажратишни кўзда тутсин;

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги марказий аппарати учун учта енгил автомобиль харажатларига лимит ажратсин.

9. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги марказий аппарати Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида" 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 март.

*Анжуман*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

***ундан таълим-тарбия жараёнида қандай фойдаланиш мумкин?***

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий семинар мавзуи ана шу долзарб масалага бағишланди.

Аввало, шуни айтиш керакки, ушбу илмий амалий-семинар бевосита Фарғона вилоятида ўтказилаётгани бежиз эмас. Негаки, вилоятда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида муайян тажриба тўпланган. Икки йилдирки, Фарғона Давлат университети қошида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказ нафақат олий таълим даргоҳлари, балки мактаблар ўқитувчилари учун ҳам соҳадаги янги йўналишга оид қўлланма ва дарсликлар чоп этаяпти. Бундан ташқари, вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича доимий ҳаракатдаги гуруҳ ва лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Бўлиб ўтган илмий амалий-семинарда вилоят ҳокимининг ўринбосари Акромжон Иноятов мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил ахборот берди.

Шунингдек, анжуманда Олий Мажлис депутатлари ва мутахассисларнинг кун тартибидаги мавзу бўйича маърузалари тингланди. Қизиқарли баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«СУРХОНТЕКС»:*

## ХОРИЖ БОЗОРИ САРИ

Мамлакатимизда замонавий технология билан жиҳозланган минглаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Улар "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида ҳам анчагина. Халқимизнинг севимли байрами — Наврўз арафасида яна бешта қўшма корхона иш бошлайди. Асосан тўқимачилик маҳсулотлари — калава, газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу корхоналар АҚШ, Германия, Швейцария ва Туркия каби давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

17 март куни уларнинг бири — "Сурхонтекс" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров очди.

Алоҳида таъкидламоқ кераки, бугунги кунда бундай замонавий қўшма корхоналар мамлакатимизнинг нафақат йирик шаҳарларида, балки чекка туманларида ҳам кўплаб ташкил этилмоқда. Бунга Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида иш бошлаган мазкур янги қўшма корхона бир мисол. Корхонанинг лойиҳа қиймати 13 миллион евро.

*Наврўз иншоотлари*

У Германия ва Чехияда ишлаб чиқарилган замонавий йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Унда йилига 4 минг тоннадан зиёд калава, 11 миллион погон метрга яқин газлама ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг саксон фоизи экспорт қилинади.

Корхонанинг озода, ёруғ ва шинам цехларида асосан қишлоқ аёллари меҳнат қилади.

Маросимда сўзга чиққанлар мазкур қўшма корхона нафақат мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, балки Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Кобулда ҳашар

Илгари хабар қилинганидек, баҳорнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон ҳукумати инсонпарварлик ёрдами доирасида Афғонистонга 11 минг туп дарахт кўчати юборган эди.

Кобулда Заҳириддин Муҳаммад Бобур боғига ушбу кўчатларнинг бир қисмини экиш бўйича ҳашар ўтказилди.

Кобул шаҳри ҳокими М.Жангалак Ўзбекистон ҳукумати томонидан етказиб берилган дарахт кўчатлари учун миннатдорлик билдириб, қўшни ва биродар ўзбек халқи ҳамиша афғон заминида тинчлик, ободончилик бўлишини истаб келганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

**"Жаҳон" АА.**

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди*

# ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР

***Хабарингиз бор, Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида бошқа соҳалар қатори фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар қачонгидан ривожлантириш зарурлигига жиддий эътибор қаратди. Бу — бежиз эмас. Фермерлик ҳаракати бутун иқтисодиётимиз келажагини белгилаб берса, кичик ва ўрта мулкдорлар синфи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигимиз пойдевори ҳисобланади.***

Амалда ҳозирданоқ шундай бўлаяпти. Бугунга келиб, мамлакатимизда ўз сафларига 603 минг кишини бирлаштирган 87 минг 500 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг еттидан бир, жумладан, ғалла ва пахта ҳосилининг учдан бир қисмини етказиб бермоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи эса 5,5 миллион киши меҳнат қилаётган 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энг муҳими, ушбу кўрсаткичлар беш-ўн йил ичида янада ошиши, тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг асосий манбаларидан бирига айланиши кутилмоқда. Шу боис юртимизда ҳар иккала соҳанинг равнақ топишига кенг йўл очиб берилмоқда. Тадбиркорлар, деҳқон ва фермерларнинг эркин фаолият юритишларини кафолатловчи, манфаатларини ҳимояловчи, айни чоғда, масъулиятини оширувчи қатор қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бироқ, минг афсуски, айрим жойларда уларга риоя қилиш, ижросини таъминлаш суст кечмоқда. Оқибатда хусусий шохобчалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари соҳиблари сансалорликка, ортиқча қийинчиликларга рўбарў келмоқдалар. Бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида ёрдам сўраб, турли маҳкамалар эшигини қоқмоқда.

Ўтган йили биргина Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларига тадбиркору фермерлардан 7148 та шикоят-ариза тушди. Ишонч телефонларига 1294 марта қўнғироқ бўлди. Бу, бир жиҳатдан, ишбилармон ҳамюртларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганини кўрсатади. Иккинчи томондан, уларнинг йўлига сунъий ғов қўяётганлар, қонун устуворлигига путур етказаётганлар ҳамон камаймаётганини англатади.

Адлия ходимлари шуни назарда тутиб, ҳар бир хатни атрофлича ўрганиб чиқдилар. Натижада 5560 та ариза қаноатлантирилди. Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, судларга 65,6 миллиард сўмлик ва 938,9 минг АҚШ доллари миқдорида 13632 та даъво-ариза киритилди. Пировардида жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига 392,5 миллион сўмлик моддий-маънавий зарар ҳамда бой берилган фойда ундирилди. Ишонч телефонлари орқали мурожаатларнинг 626 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, қолганлари бўйича тегишли таъсир чоралари кўрилди.

Турли ташкилот-муассасаларга юборилган 2700 та тақдимнома ва 842 та огоҳлантиришнома ҳам беиз кетмади. Уларга биноан, маҳаллий ҳокимият ва бошқа бошқарув идораларининг 624 та қарори бекор қилинди, 268 нафар масъул шахс маъмурий жазога лойиқ топилди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан айрим амалдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш тўғрисида 58 та таклиф тайёрланди. Тадбиркорлар ҳуқуқини менсимаган 4261 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб, 590 нафари лавозимидан бўшатилди.

Беихтиёр савол туғилади: хўш, эл дастурхонини тўкин, турмушини фаровон қилишга чоғланган ҳамюртларимизни асосан қандай хато-камчиликлар ташвишга солмоқда? Қайси муаммолар кўпроқ қийнамоқда?

Ариза-шикоятлар мазмунига қараганда, баъзи тадбиркор ва фермерлар биринчи навбатда ўз корхонаси, шохобчаси ёки хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократик тўсиқларга дуч келмоқдалар. Бунга аксарият ҳолларда туман ва шаҳар мутасаддиларининг амалдаги қонунларга риоя қилмаётганликлари сабаб бўлмоқда. Мана, исботи: чироқчилик А.Холиёров ўтган ёз ўзи ташкил этган деҳқон хўжалигини рўйхатдан ўтказишни сўраб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекцияга ариза битади. Гувоҳнома икки нусхада расмийлаштирилади. Лекин негадир тайёрланган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилмайди. Боз устига, вақтида эгасига топширилмайди. Можарога адлия бошқармаси аралашмагунча, аниқроғи, 2003 йил 18 декабргача кимларнингдир ғаладонида қолиб кетади. Тумандаги "Сапаев Жумабой", "Тўлқинбек Махмаюсуф ўғли", "Эргаш бобо", "Мехлиев Саодат бобо" деҳқон ва фермер хўжаликлари гувоҳномаларининг тақдири ҳам шундоқ кечади. Рўйхатдан ўтган хусусий ишбилармон М.Обиддинов эса муҳр ва штамп намунасини ясаш учун туман ички ишлар бўлимидан рухсат олгунга қадар роппа-роса 17 ой овора-ю сарсон бўлади. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида бундай юмушлар 7 кундан бир ойгача бўлган муддат оралиғида ҳал этилиши шартлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Баъзи жойларда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун ва Президентимизнинг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони талаблари бузилмоқда. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги Амир Хушвақтов номли ширкатни фермер хўжалигига айлантириш бўйича тузилган комиссия "Кўчар бобо" фермер хўжалиги раҳбари Азиз Жўраевга нисбатан ноҳақлик қилади. 2004 йил 9 январь куни туман ҳокимлигида ўтказилган тендер танловида қатнашиб ғолиб чиқмади, деган баҳонани рўкач қилиб, унинг экинзори кенгайтирилишига кўнмайди. Пахтачи туманидаги Ш.Назаров номли ширкат хўжалиги раиси А.Одилов ҳатто туман ҳокими қарориниям менсимайди. "Маърифат" фермер хўжалигига 12 гектар ўрнига 10 гектар ер ажратиш билангина кифояланади.

Ўзингизга маълум, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 21, 34-моддаларида ва Президентимиз 1994 йил 21 январда имзо чеккан 745-сонли Фармоннинг 13-бандида хусусий мулкдорлар фаолиятига асоссиз аралашиш тақиқланган. Таассуфки, баъзи бошқарув идоралари раҳбарлари бу талабни унутиб қўймоқдалар. Ўлганнинг устига тепгандай, дўппи тор келганда тадбиркору фермерлар сармояларини, ўзларининг астойдил розиликларисиз, бошқа мақсадларга жалб қилмоқдалар. Ана шундай ўзбошимчаликлар туфайли қисқа фурсатда 2188 нафар тадбиркор ҳуқуқи бузилганди. Чунончи, Қоровулбозор тумани ҳокими фармойишига мувофиқ бурноғи йил хўжалик юритувчи субъектлардан биратўла 72 таси гарданига турли тадбирлар учун пул ўтказиш вазифаси юклатилганди.

Қарангки, тўраларга хос бу "анъана"ни ўтган йили Қамаши тумани ҳокими тағин-да "бойитади". Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида 2004 йилги меъморчилик-режалаш ишларини ташкиллаштириш чизмалойиҳасини тайёрлаш учун "Қорабоғ", "Лангар" ва Охунбобоев номли фермер хўжаликлари уюшмалари 2,2 миллиондан тортиб 3,5 миллион сўмгача маблағ ажратиши даркорлиги ҳақида фармойиш чиқаради. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари Қарши шаҳри, Ғузор, Китоб сингари қатор туман ҳокимликлари қарорларида ҳам учрайди.

Тадбиркорлар фаолиятининг режасиз ва ноқонуний текширилиши кўпчиликни чуқур ўйлантирадиган муаммолардан бирига айланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Адлия идоралари олиб борган мониторинг натижаларининг кўрсатишича, бултур хўжалик юритувчи субъектларда 2002 йилгига нисбатан 12 та кўп — 169 та асоссиз текширув ўтказилган. Тўққиз ой мобайнидаги қисқа муддатли тафтишлар сони 13651 тага етган. Аниқроғи, олдинги йилгига қараганда, 1005 тага ортган. Бу нохушликлар асосан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг айрим ҳудудий ишчи комиссиялари лоқайдлиги, қолаверса, назоратчиларнинг ўзбошимчалиги сабабли рўй берган. Мисол тариқасида Гулистонда содир бўлган воқеани эслайлик. Шаҳар солиқчилари қисқа муддатли текширишга рухсат этилганидан фойдаланиб, 2003 йил 17 апрелда "Валерия Ника" хусусий фирмасини тафтиш қиладилар. Шунга қарамай, ҳудудий ишчи комиссия ўша ойнинг ўзида шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими нозирларига фирмада такроран текшириш ўтказишга изн беради.

Нишон тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария врачи ёрдамчиси И.Зоировнинг хурмача қилиғи кишини бундан-да баттар ҳайратга солиши тайин. У "Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан" қабилида иш тутади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатисиз Таллимаржон шаҳридаги "Таъминот" хусусий фирмасига қарашли ошхонага "ташриф" буюради. Таомаддихонани обдон элакдан ўтказиб, ўз билгича далолатнома тўлдиради. Қарабсизки, "Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон"лиги рост бўлиб чиқади. Маъмурий жавобгарликка тортиш хусусида қарор қабул қилинмасиданоқ, ошпаз А.Жумаевга 5 минг сўмлик жарима солинади. Айни ҳолатлар, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларига қарама-қарши ўлароқ, режадан ташқари ноқонуний тафтиш ўтказилганидан далолат беради.

Биласиз, текширишларда махсус гувоҳномаси йўқ кишиларнинг иштирок этишлари, айниқса, тадбиркорларга ортиқча ёки ноўрин маъмурий ва молиявий чоралар қўллаш асло кечириб бўлмас ҳолдир. Бу тартибқоида китоблик солиқчилар ёдидан кўтарилган кўринади, чамаси. Акс ҳолда, улар Солиқ кодексининг 135-моддасига зид иш юритмасдилар. "Нозимахоним" хусусий фирмасининг ялпи тушум ягона солиғидан 2003 йил 4 апрель ҳолатига 1406 сўм ортиқча тўлови мавжудлигини, ушбу солиқ бўйича тўлов муҳлати келмаганини била туриб, инкасса талабномаси қўймаган, 42270 сўмлик маблағ ундирмаган бўлардилар. Ёки "Фармацевт", "Мойчечак — 1А", "Умид" хусусий дорихоналарига ноқонуний равишда жарима қўллагани учун Ғаллаорол тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Абирқулов ҳайфсан билан «сийланиб», юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Т.Қўчқоров вазифасидан бўшатилмасди.

Яна бир аччиқ ҳақиқат: Юртбошимиз ўз маърузасида куюниб уқтирганидек, бизда кредит олишда гаровга қўйиш механизми охиригача пухта ишлаб чиқилмаган. Устига устак, тижорат банкларидан айримлари кредитлаш муддати бузилганини яшириш ниятида мижозлари аризаларини атай кеч қабул қилаётирлар. Гаровга қўйилажак мулкни ўзларича баҳолаб, далолатнома тузаётирлар. Гоҳида ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб, кредит беришни пайсалга солсалар, гоҳида тамагирлик қилиб, мижозлар ҳамёнига зимдан кўз олайтиришдан тоймаяптилар.

"Тадбиркорбанк"нинг Чироқчи бўлимидагилар "Эргаш ота" хусусий фирмасидан 2003 йилнинг учинчи, иккинчи, биринчи чораклари учун алоҳида-алоҳида давлат статистика ҳисоботи сўрашади. Шунингдек, 15 январда бухгалтерия баланси, молиявий кўрсаткичлар юзасидан маълумотномалар олишади. Худди шундай талабни яна олти нафар тадбиркор олдига қўйишади. Ёки айтайлик, "Пахтабанк"нинг Нишон туманидаги кичик шохобчаси ҳисобчиси Ш.Жўраев нимaнингдир эвазига Алининг дўпписини Валига кийдиради. Пул топшириқномаларини орқаворотдан сохталаштириб, "Хидир бобо" фермер хўжалиги ҳисоб рақамидаги 580650 сўмни бировларга ўтказиб юборади. Охир-оқибат қонун олдида жавоб беради. Фермернинг омонатини ўз чўнтагидан тўлайди.

Энди мана бу рақамлар мағзини чақинг: ўтган йили Адлия вазирлиги уюштирган сўровномада қатнашган 12800 тадбиркордан 1788 нафари тамагирликка дуч келганини тилга олган. 3830 деҳқон-фермердан 2981 нафари ҳосилдорлик ернинг балл бонитетига қараб белгиланмаганидан, 1233 нафари шартнома режасидан ортиқча ҳосили зўравонларча тортиб олинганидан нолиган. Муайян қисми моддий-техника базаси ночорлигини билдирган. Айни чоғда, топширган маҳсулоти пули вақтида тўланмаганини, маъданли ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти ҳаминқадарлигини билдирган. Текширувларда бу янглиғ эътирозлар ўринли эканлиги ойдинлашган. "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар 13168 ҳолатда фермерлар олдидаги мажбуриятини бажармагани аниқланган. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси корхоналарининг ҳам бу борадаги ишлари ўлда-жўлда. Чунончи, баликчилик етти, пастдарғомлик саксон икки, булунғурлик уч фермер Чинобод, Улуғбек, Жомбой пахта тозалаш заводларидан пулларини ойлаб ололмаган. Лафзида турмаслик "Жиззахдонмаҳсулот", "Қувадонмаҳсулот", "Боғот тумани машина-трактор парки" акциядорлик жамиятлари, "Андижон нефть базаси", "Ўзқишлоқхўжаликкимё"нинг Қарши филиали, Пахтакор туманидаги А.Икромов номли пахта заводи, Оққўрғондаги "Маданият" ширкат хўжалиги раҳбарлари учун ҳам одатга айланиб қолган экан.

Албатта, бу билан биз тадбиркору фермерларни ёппасига кўр-кўрона оқламоқчи эмасмиз. Негаки, улар сафида ишончни оқламаётганлари, ерни-ю элнида алдашга уринаётганлари ҳам бор. Режадаги экин ўрнига бозорбопини экаётганлари, ўзларига ажратилган маблағларни кишибилмас чўнтакка ураётганлариям истаганча топилади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, охирги мавсумда бошоқли дон сотиш бўйича фермерлар билан имзоланган контрактация шартномаларининг 27 фоизи бажарилмаганини, 2107 фермер 880 миллион сўмлик уруғлик, 5654 фермер 3,5 миллиард сўмлик бўнак пулини ҳавога совурганини қандай изоҳлайсиз? Республика миқёсида 17 минг гектардан зиёд майдондан мақсадсиз фойдаланилганига, Тошкент вилоятидаги 67, Сирдарё вилоятидаги 272 фермер режадаги ғалланинг, ёзёвонлик 90 фермер ваъда қилинган пахтанинг ақалли бирон килосини топширмаганига нима дейсиз? Нафсиламбрини айтганда, буларнинг барчаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори икки томонлама бузилаётгани оқибати эмасми? Таассуфки, шундай!

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, юртимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилаётгани билан бирга, ўзига хос хато-камчиликлар, ечимини топмаган муаммолар ҳам талайгина. Уларни ижобий ҳал этиш, "Қарс икки қўлдан" деганларидек, аввало, бошқарув, назорат, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда банклар, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг тадбиркорлару фермерларга ҳамкор-ҳамнафас бўлишларига боғлиқ. Ана шунда, халқимиз айтганидек, кўпчиликдан қуён қочиб қутулолмайди. Бирикканнинг кучи қўл, топгани мўл бўлади.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*Андижон туманидаги «Ўзбек — Юнон» қўшма корхонаси бир йилда 9000 тонна туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш қувватига эга. Ҳозирча унинг бир навбати ишга туширилиб, вилоят деҳқонларига 2000 тонна сифатли уруғлик етказиб берилди. Келгусида Қирғизистон ва Тожикистон пахтакорлари ҳам туксизлантирилган уруғлик чигитни буюртма асосида шу ердан оладилар,*

*Фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов тасвирга туширган ушбу суратда қўшма корхона агрономи Дониёрбек Бўронбоевни кўриб турибсиз.*

## Элчи билан учрашув

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Шарат Сабхарвал билан учрашув бўлди. Ушбу тадбир давлатлараро сиёсий, маданий-маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилди. Учрашувда Ҳиндистон маданият маркази директори жаноб Жозеф Винсент Лобо, Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти раҳбари К.Юсупов ҳамда элчихона вакиллари, ҳиндшунос олимлар иштирок этишди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ишончни оқлаётган ёшлар

Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиатлари семинар-кўргазмаси ўтказилди.

Маълумки, 1994-2004 йиллар мобайнида 55 нафар аспирант ва 20 нафар талаба-магистрант Президент стипендиати деган номга сазовор бўлган. Уларни бир жойга тўплаш, олиб бораётган илмий ишлари ва фаолиятлари билан илм аҳлини таништириш мақсадида ушбу семинар-кўргазма ташкил этилди. Стипендиатлар ўтказган тадқиқотлари, эришган ютуқлари, фан, технология ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожидаги изланишларини кўргазмада намойиш этдилар.

Тадбирда Фан ва технологиялар маркази раҳбари П. Ҳабибуллаев сўзга чиқиб, ёш олимларнинг ютуқларини эътироф этди. Уларга илмий ишларини ҳаётга жорий этишда маслаҳат ва йўлланмалар берди.

— Барча соҳаларда ҳали ўрганилмаган долзарб муаммолар жуда кўп. Уларни тадқиқ қилишда эса ёш олимлардан умидимиз катта, — деди у ўз маърузасида.

Семинар-кўргазмада Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари ректорлари, илмий- тадқиқот институти раҳбарлари иштирок этдилар.

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ечимини кутаётган муаммо*

# МУЛКДОР нега пул тўламаяпти?

***Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаганидан сўнг, мулк ўз эгасини топди. Эски қарашлардан воз кечилиб, янги жамият қуришга киришдик. Аввало, фуқаролар ўз уй-жойларини хусусийлаштириш имкониятига эга бўлди. Уларга хизмат кўрсатиш учун Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилди. Ширкатларни тузишдан мақсад истеъмолчиларни боқимандаликдан чиқариш, эксплуатация харажатлари учун тўловлар кескин ошиб кетишининг олдини олишдан иборат. Хўш, амалда нима бўляпти? Гап шундаки, соҳадаги ислоҳотлар жуда секин кетаяпти. Нега шундай? УЖМШларнинг асосий муаммолари нималардан иборат?***

***Масалани холисона ўрганиш мақсадида пойтахтимизнинг баъзи Уй-жой мулкдорлари ширкатларидаги аҳвол билан яқиндан танишдик.***

Мирзо Улуғбек туманидаги «Пойкент — Сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфида ҳозир 47 та кўпқаватли уй ва 1733 та хонадон мавжуд. Ширкат раиси F. Райимов биз билан суҳбатда, асосий муаммолардан бири — баъзи яшовчиларнинг уй-жой тўловларини ўз вақтида тўламаслигида, деди. Ширкатда қарздорларнинг сони бугунги кунда 340 дан ошибди. Тўловларни муттасил тўламай келаётган 82 яшовчини ширкат фуқаролик судига берибди.

Хўш, хонадон соҳиблари нима дейишади?

— Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам пенсиядамиз, — деди «Пойкент — Сервис» тасарруфидаги 45-уй, 26-хонадонда яшовчи С. Мирзараҳимова. — Ёлғиз фарзандимиз фожиали ҳалок бўлганидан сўнг суянадиган кишимиз қолмади. Икки ой илгари, иссиқ сув қувури ёрилиб кетгач, уйимиз ҳаммомга айланди. Нам тушиб паркетлар кўчиб кетди. Чилангар чақирсак, «Пул тўласанг, қиламиз», дейди. Ахир улар сўраётган маблағни қаердан оламиз? Ертўлада сув борлиги сабабли уй зах. Ўзим анчадан буён бетобман. Ширкат раисига мурожаат қилсам, «Чилангар билан келишинг», дейди.

Ўша уйнинг 31-хонадони бекаси М. Инагамова хоналар совуқлигидан нолиди.

— Қиши билан, ҳозир ҳам газ ёқиб ўтирибмиз, — дейди опа. — Бу жуда хавфли. Айниқса, фарзандларимдан хавотирдаман. Лекин на илож?!. Бунинг устига томдан чакки ўтади. Мана, ўзингиз кўринг. Кўп йилдан буён таъмирланганини йўқ. Бир сафар чилангар келиб, қилинмаган ишни қилдим, деган ҳужжатга қўл қўйдириб кетди. Жаҳлим чиқди. Шундан буён тўламайман. Бу гаплардан ширкат раиси ҳам хабардор.

Ўша ҳудудда жойлашган «ЗЕШ — Сервис» УЖМ ширкатида одамлар ҳар қачонгидан гавжум. Маълум бўлишича, ширкат ёллаган юрист А. Абдурасулов ва туман фуқаролик судидан вакиллар келиб, коммунал тўловлар бўйича катта миқдорда қарзлари борлар билан суҳбат ўтказаётган экан.

— Эрим ташлаб кетгандан сўнг олти фарзанд билан ёлғиз қолдим, — деб гап бошлади 62-уйда яшовчи опа. Опанинг қарзи шу кунгача 420 минг сўмдан ошиб кетибди. — Ўзим пенсиядаман, эрим хонадон рўйхатидан ўчмаган. Ўзи келмайдиям, хабар ҳам олмайди.

Бошқалар ҳам ўз сабабларини рўкач қилишади. Бири ойлигини вақтида ололмаётганини айтса, бошқаси ишсизлигидан ва унга ҳеч ким ёрдам бермаётганидан нолиди.

Ширкат юристи уларга қонун бўйича хонадон учун ҳақни вақтида тўлаш зарурлиги, ўша маблағлар уйларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатишга сарфланишини тушунтира кетди. Ширкат раиси И. Муродов биз билан суҳбатда бу ерга йиғилганларнинг кўпчилиги қарзлари туфайли фуқаролик судига берилганини айтди. Бу ширкатда 1105 та хонадон мавжуд экан. Улардан 54 тасининг иши айни пайтда фуқаролик судида кўрилмоқда. Уларнинг 56 мингдан 376 минг сўмгача қарзлари бор. Бундан ташқари, қарздорларнинг сони 135 дан зиёд. Умумий қарз 6 миллион сўмдан кўп.

Бу ширкатда ҳам кўрсатилаётган хизматдан нолийдиганлар йўқ эмас.

— Тўғри, биз хонадон ҳақини вақтида узолмаяпмиз, — деб гап бошлади 64-уйда яшовчи З. Бакирова. — Аммо ширкат яхши хизмат кўрсатмайди-да. Ертўла зах, кун исиганда чивин ва пашша кўпайиб кетади.

Тўртинчи қаватда яшовчи Нигора опа эса томдан чакки ўтганини ва ширкат ёрдам бермагач, уни ўз ҳисобидан ёпишганини айтди. Қўшниси А. Базянц ҳам ўз дардини тўкиб солди. Унинг айтишича, кечқурунлари ва дам олиш кунлари умуман иссиқ сув бўлмас экан.

— Бундай ширкатнинг кераги бормикин ўзи? — деб гап бошлайди Юнусобод туманидаги «Чинор» УЖМШ аъзоси Д. Ортиқова. — Бизнинг подъезддагилар ўтган йили эксплуатация харажатларини деярли тўлиқ тўлашди. Йўлакнинг таъмирталаблигини ширкатга айтдик. Аммо улар қурилиш материаллари йўқлигини маълум қилишди. Ўзимиз пул тўплаб, керакли материалларни сотиб олдик ва ширкатдан таъмирлаш учун одам беришини илтимос қилдик. Шундан кейин ҳам УЖМШ раиси Қ. Худойқулиев одам бермайман, деб тутун қайтарди. Тинмай арз қилганимиздан сўнг одам ажратишди, аммо иш охиригача етказилмади.

Қани, бу гапларга ширкат мутасаддилари нима дейишаркин?

— Тўғри, биздан нолийдиганлар бор, — дейди «ЗЕШ — Сервис» ширкати раиси И. Муродов. — Аммо баъзилар эксплуатация харажатларини вақтида тўламайди. Мана, судга беришга ҳам тўғри келаяпти. Яна биздан хизмат талаб қилишади. Ширкат ҳам қараб тургани йўқ. Масалан, мен ишга келганимда ширкатнинг 6 миллион сўм қарзи бор эди. Барча қарзларни уздик. Ўтган йили 5 миллион соф фойда олдик. Қўлимиздан келганича ҳаракат қилаяпмиз. Бизни ҳам тушунишсин, маблағ бўлмаса, ниманинг ҳисобидан таъмирлаймиз.

Адолат юзасидан шуни айтайлик, ширкатнинг фаолиятидан мамнун бўлганлар ҳам талайгина. Масалан, Чилонзор туманидаги «Олмазор—1» ширкатидагилар аъзолар билан ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, бундай муаммолар вужудга келмайди, деб таъкидлашди. Ширкат раиси Р. Исмоиловнинг айтишича, аслида одамлар фаолроқ бўлишлари ва керак бўлса, ширкатни доимий назоратга олиши зарур. Чунки бу уларнинг мулки.

— Қарздорлик масаласи ҳамма жойда мавжуд, — дейди у. — Уни ечиш учун биз қарздорларни ўзлари яшаётган уйларни таъмирлашга жалб қилаяпмиз. Таъмирлашга кетадиган пул ўзимизда қолади, аъзоларимизга ҳам қулай. Хуллас, келишиб ишласа, ижобий натижага эришиш мумкин.

Ўз-ўзидан «Муаммони ҳал этиш учун нима қилиш керак?», деган савол туғилади.

Ширкат аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги етишмаётганлиги, бир томонлама фикрлаётганлиги бош оғриғининг асосий сабабларидан бири. 1999 йил 15 апрелида қабул қилинган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида «Уй-жой мулкдорларининг ширкати — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланишни, унинг сақланишини **биргаликда бошқариш ва таъминлаш (таъкид бизники),** умумий фойдаланишдаги объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари, тартибини аниқлаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги ҳолатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмасидир», деб қайд этилган. Демак, ширкатнинг ҳар бир аъзоси, яъни мулкдори унинг фаолиятини биргаликда таъминлайди. Ҳар бир ширкат аъзоси ана шу қонунга мурожаат қилса, ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда масъулиятини тўлиқ билиб олади.

Умуман олганда, ҳар бир ширкат аъзоси амалга оширилаётган ишлардан бохабар бўлишга, фаоллик билан иштирок этишга, шундан кейин илтимос эмас, талаб қилишга ҳақли. Агар аъзолар ширкат ишига лоқайд бўлишса, муаммолар кўпаяверади.

Айтайлик, ён қўшнингиз ҳақини вақтида тўламаса, бу сизнинг зиммангизга келиб тушади. Шуни тушунмаётганларга тушунтирайлик.

Баъзиларнинг ҳамон эски қарашлардан воз кеча олмаётгани ҳам умум ишига тўғаноқ бўлаётир. Бундай кишилар ҳали ҳам биров келиб текинга ишимни қилиб беради, деб ўйлайди. Ваҳоланки, кўпчилик уйлар хусусийлаштирилган. Айтайлик, мулкдор уйини сотмоқчи бўлса, у келиб ширкат ёки бошқа жойга маслаҳат солмайди-ку. Чунки уйни у хусусий мулким, дейди. Лекин қўшимча хизматга келганда... Яна ширкатдан норози бўлади. Бундан ташқари, юқорида келтирилганидек, кимнингдир рўйхатдан ўчмагани ёки мана шунга ўхшаш ширкат ваколатига кирмайдиган ишларни рўкач қилиш мантиққа тўғри келармикин? Яна баъзиларнинг ўжарлик билан тўламайман дейиши қайси қуюшқонга сиғади?..

Жорий йил мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинди. Бу хайрли ташаббус жамиятимиздаги ижтимоий ночор қатламга моддий ва маънавий кўмак беришга қаратилган. Ширкатлардаги моддий ёрдамга муҳтож кишиларга маҳалла ҳамда ҳомийлар дастур доирасида ёрдам кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз ҳуқуқий демократик жамият қураяпмиз. Демак, бутун турмуш тарзимиз айнан қонунга таянади. Қонун эса истеъмолчига ҳам, хизмат кўрсатувчига ҳам бирдай.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Муносабатлар таранглашмоқда

Аввал хабар қилганимиздек, Грузия Президенти Михаил Саакашвили мамлакат таркибидаги Аджария мухтор республикаси ҳудудига киритилмаганидан сўнг, расмий Тбилиси ва Батуми ўртасидаги вазият янада кескинлашди. Ҳатто, Саакашвили мухторият етакчиси Аслан Абашидзега 24 соат ичида давлат раҳбарининг Аджария ҳудудида эркин ҳаракатланишини таъминлаши, бўлмаса, марказий ҳукумат кескин чоралар кўришини билдирганди. Аммо Аджария раҳбари бу дўқларга эътибор ҳам бермади. Шунинг учун Грузия ҳукумати иқтисодий йўл билан тазйиқ ўтказишни бошлаб юборди. Якшанба куни кечқурун Тбилисида ўтказилган брифингда Саакашвили Батуми нефть портига юк жўнатиш вақтинчалик тўхтатилганини маълум қилди. Айни пайтда ҳар куни Қозоғистон ва Туркманистондан қувурда келадиган 200 минг баррелдан ортиқ нефть Батуми орқали Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги давлатларга экспорт қилинади.

Бундан ташқари, Аджариянинг марказий банкдаги ҳисоб рақами музлатиб қўйилди. Шунингдек, мухторият ҳудудидан ўтувчи ҳаво йўли ҳам вақтинчалик ёпилди.

Мамлакат Президентининг сўзларига қараганда, мухториятни қамал қилиш шу билан чекланмайди. Аджарияга киритилаётган ҳар қандай турдаги маҳсулот зудлик билан тўхтатилади. Грузия Ҳарбий денгиз флоти кучларига қарашли учта ҳарбий кема Батуми яқинига келтирилди. Улар шаҳарга денгиз орқали келадиган юкларни ушлаб қолиш билан шуғулланади.

Рейтер ахборот агентлиги тарқатган маълумотга қараганда, Михаил Саакашвили 28 март, яъни Грузия парламентига бўлиб ўтадиган сайловлар кунигача бирор бир жиддий чора кўришга шошилмайди. Кузатувчиларнинг фикрича, Аслан Абашидзенинг ўз лавозимидан кетиб қолишдан қўрқиб қилган ҳаракатлари Тбилиси ва Батуми ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди. Айни пайтда Аджария ҳудудида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Мухториятдаги барча дўкон ва бозорлар ёпилган.



Олинган сўнгги маълумотларга кўра, Грузия Аджарияга ҳарбий кучлар жўнатишни режалаштираётгани йўқ. Бироқ, журналистларнинг сўзларига қараганда, юзага келган инқироз ҳарбий тўқнашувга ҳам айланиб кетиши хавфи бор. Манбаларда келтирилишича, Аджарияда кўнгиллилардан иборат қуролланган гуруҳлар пайдо бўла бошлаган.

Воқеаларнинг шу тариқа ривожланиб бориши хорижий дипломатларни ҳам хавотирга солмоқда. Якшанба куни АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Тбилисига телефон қилиб, Саакашвили ва Абашидзени тинчланишга чақирди. Зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласида Грузия Президенти душанба куни ЕХҲТ раҳбари Соломон Пасси билан ҳам суҳбатлашди.

Ўша куни бўлиб ўтган брифингда мамлакат Президенти Грузиянинг Аджария ҳукуматига таъсир кўрсатишга етарлича имконияти борлигини айтиб ўтди. Абашидзе Москвадан ёрдам кутмоқда. Бироқ Россиянинг Кавказорти минтақаси бўйича ҳарбий кучлари вакили Грузиянинг ички ишларига аралашмаслигини маълум қилди.

Якшанба куни Москва шаҳри мэри Юрий Лужков Аджарияга чегарадош Туркиянинг Трабзон шаҳрига келди. У бу ерда Абашидзе билан учрашди. Юрий Лужков Аджария етакчиси ва Грузия Президенти ўртасида воситачилик қилмоқчи.

Грузия парламенти раиси Нино Буржанадзенинг ҳам Батумига келиши кутилмоқда. У Аслан Абашидзе билан мамлакатда юзага келган вазиятни муҳокама этади. Буржанадзенинг сўзларига қараганда, Саакашвили ҳам Батумига ташриф буюриши мумкин, фақат бу парламент раисининг Абашидзе билан ўтказган музокараларидан сўнг аниқ бўлади.

**Юнус БЎРОНОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Ҳарбий амалиётлар



Исроил ҳарбийлари Фаластин ҳудудида кенг кўламли ҳарбий амалиётлар бошлади. Кеча ҳарбий вертолётлар Ғазо шаҳрининг марказий ва шимолий ҳудудларига ракеталар ёрдамида ҳужум қилди. Ғазо ҳарбий шифохонаси ходимларининг айтишича, икки одам ҳалок бўлган, 14 нафарга яқини жароҳатланган.

Манбаларда келтирилишича, амалиётлар Исроилга қарши уюштирилган террорчиликларда айбланаётган Нидал Салфитий ва Шоди Муҳанналарни йўқ қилиш учун амалга оширилмоқда. Исроил махсус хизмати берган маълумотга қараганда, Ариэль Шарон ҳарбий ҳаво кучлари орқали жангариларни йўқ қилишни кенгайтиришга кўрсатма берган.

## Қўрқитишда айблади

Би-Би-Си тарқатган маълумотга кўра, Хитой ҳарбий кучлари франциялик ҳамкасблари билан Сариқ денгизда ҳарбий-денгиз ўқув машғулотларини бошлади. Тайван ҳукумати эса Хитойни шу йил 20 мартда мамлакатда ўтадиган референдум арафасида орол аҳолисини қўрқитишга ҳаракат қилишда айблади.

«Синхуа» ахборот агентлиги тарқатган маълумотда айтилишича, Хитой ва Франция ҳарбий флоти ҳамкорликда ўтказаётган бу ўқув машғулотлари Тайбэй — Пекин муносабатларига таллуқли эмас.

## Бинода портлаш



Архангельск шаҳрида аҳоли истиқомат қиладиган тўққиз қаватли бинолардан бирида кучли портлаш содир бўлди. Натижада 32 нафар киши оламдан кўз юмди, 24 киши жароҳатланди. Маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Айни пайтда 860 киши қидирув-қутқарув ишларини давом эттирмоқда.

Ҳозирча портлаш сабаблари аниқлангани йўқ. Тахмин қилинишича, бу ҳодиса хўжаликда ишлатиладиган газ баллонидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

## Сил касаллиги тарқалиши хавфи

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 10 та давлатда яқин орада сил касаллиги оммавий тарқалиши хавфи борлигини маълум қилди. Бу рўйхат бошида Россия, Қозоғистон, Латвия ва Литва давлатлари турибди. Ташкилот вакилининг огоҳлантиришича, бу мамлакатларда зудлик билан касалликка қарши зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Айни пайтда Шарқий Европа ва Осиё ҳудудида 14 фоиз фуқаро ушбу касалликдан азият чекмоқда. Ташкилот мутахассисларининг айтишича, сил касаллиги ҳар йили икки миллиондан ортиқ одамнинг ўлимига сабаб бўлаётир.

## Аҳолини тинчланишга чақирди



Ҳозирча номаълум террорчи гуруҳи "Паризьен" газетаси орқали Франция Бош вазири Жан-Пьеру Раффаренга таҳдидли хат йўллади. Францияда чоп этиладиган «Монд» газетасида келтирилишича, мазкур хат чеченистонлик жангари Мовсар Бараев томонидан юборилган. Унда айтилишича, жангарилар Францияда террорчиликлар амалга оширишни режалаштираётган экан. Мамлакат Адлия вазирлиги мазкур таҳдидни жиддий ўрганмоқда. Ҳозир махсус хизмат ходимларини бир нарса қизиқтиради: террорчилар хатда айтилган хунрезликни амалга оширишга тайёрми ёки йўқ? Мадриддаги террорчиликдан кейин пайдо бўлган бу таҳдид Франция ҳукуматини ташвишга солди. Шундай бўлишига қарамасдан, Жан-Пьер Раффарен аҳолини тинчланишга чақирди.

# Ироқда ҳаёт изига тушаётир

Яқинда дунёнинг йирик оммавий ахборот воситалари Ироққа коалицион кучлар киритилгандан сўнг мамлакатдаги аҳвол қайси томонга ўзгарганини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказди. Сўровларда иштирок этган ироқликлар бугунги кунда Саддам Ҳусайн давридагига кўра анча яхши турмуш кечиришаётганини ва келажакка ишонч билан қарашаётганини айтишган.

Мазкур тадбирни ташкил этишда иштирок этган Би-Би-Си компаниясининг маълум қилишича, жаҳон оммавий ахборот воситаларида сўнгги пайтларда коалицион кучларга қарши уюштирилаётган ҳужумлар ҳақидаги хабарлар мамлакатдаги асл ҳолатга холисона назар ташлашга халақит бераяпти.



Ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича тадқиқотларда аниқланишича, ҳозир 70 фоиз ироқликлар ҳаёти яхши эканини айтишган, фақат 29 фоизигина салбий фикр билдирган. Мамлакат фуқароларининг 56 фоизи бугунги кундаги турмуш тарзи Саддам Ҳусайн давридагидан кўра анча яхшиланганини маълум қилди.

Шунингдек, ироқликларнинг қарийб ярми АҚШ бошчилигидаги коалицион кучларнинг мамлакатга киритилишини тўғри, деб ҳисоблайди, 79 фоизи эса мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш зарур, деган фикр билдирди.

Хавфсизлик масалалари бўйича британиялик эксперт Ден Плечнинг фикрича, сўровномада иштирок этган ироқликларнинг асосий қисми давлатнинг бўлиниб кетишига қарши эканлигини маълум қилган. Мамлакат фуқароларини ташвишга солаётган яна бир муаммо — хавфсизлик масаласидир. Маҳаллий полиция ҳозирча тўлиқ тартибни сақлашга қодир эмас.

Дарҳақиқат, ироқликларнинг 85 фоизи хавфсизлик масаласини бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири сифатида эътироф этди. Миллий ҳукуматни шакллантиришни эса ироқликлар иккинчи устувор масала деб билишмоқда.

**Д. САЛИМ.**

# Гейтс ҳамон биринчи

АҚШнинг "Форбс" журнали дунёдаги энг бой 587 кишининг номини эълон қилди. Уларнинг умумий бойлиги 1,9 триллион долларни ташкил этади. "Майкрософт" корпорацияси бошлиғи Билл Гейтс ҳамон рўйхатнинг биринчи ўрнида турибди. У 46,6 миллиард доллар маблағга эга. Иккинчи ўринда бораётган яна бир америкалик Уоррен Баффеттнинг бойлиги эса Гейтсникидан 3,6 милиард доллар камроқ. Германиялик Карл Альбрехт ҳозирча дунёнинг учинчи, Европанинг биринчи бойи бўлиб турибди. Кўплаб супермаркетлар эгаси бўлган Альбрехтнинг маблағи 23 миллиард долларни ташкил этади.

Собиқ СССР ҳудудида ҳам миллиардерлар сони кўпайиб бормоқда. Бундай одамлар сони бир йилда Россиянинг ўзида 17 тадан 25 тага кўпайгани ҳам гапимизни исботлаб турибди.

# БУ АЖИБ ДУНЁ

## 40 йилдирки, ухлолмайди

Эроннинг Ахваз шаҳрида яшовчи фуқаро Тоҳир Тарафий 40 йилдирки, уйқусизлик касалига йўлиққан. Аммо бу нотабиий ҳол унинг соғлиғига мутлақо таъсир кўрсатмайди. У оиласи билан бахтли умр кечирмоқда.

"12 ёшгача жуда уйқучи эдим, — дейди Тоҳир. – Бир куни кўчада тиланчилик қилиб ўтирган чолга ҳазил қилмоқчи бўлдим. Унинг бўйнига нонхўрак ташладим-да, қочиб кетдим. Бундан чол шунчалик ғазабландики, бир зумда ортимдан қувиб етди. Сўнг қўлидаги таёқ билан бошимга туширди. Мен ҳушимдан кетиб йиқилдим. Шундан буён ухлай олмайман. Отам дўхтирларга кўрсатган эди, жарроҳлик амалиёти зарурлигини, бунинг учун кўп пул кераклигини айтди. Бизда эса бунча пул йўқ эди".

## Бемаъни рекордлар

Сўнгги йилларда польшаликларда турли хил кутилмаган бемаъни рекордлар билан Гиннес китобига киришга уриниш одат тусига айланди. Ва бу ўз самарасини ҳам бермоқда. Охирги икки йилда 2500 нафар поляк мазкур китобга ўз номини ёздиришга муваффақ бўлди. Улар резина этикни узоққа отиш, телевизорни болта билан тез синдириш, белгиланган вақт ичида кўп пашша тутиш, ўзга сайёраликларга энг узун хат ёзиш каби қатор рекордлар ўрнатишди.

"Рекорд қанчалик бемаъни бўлса, матбуотда у шунча кенг ёритилмоқда. Шаҳримизда ўтадиган биронта симфоник оркестр концертига тухумни пўчоғи билан ютиш мусобақасига келганча кўп одам йиғилмайди", дейди куюниб Лондка шаҳарчаси маданият ва истироҳат маркази раҳбари Здруй Мажен.

## Пиёнисталик белгиси

Мексика зарарли одатларга қарши кураш миллий кенгашининг маълумотларига қараганда, мамлакатда 6 миллионга яқин аҳоли пиёнисталик дардига мубтало бўлган. Яна 24 миллион киши шу хасталикка чалиниш арафасида.

Мексикада алкоголизмга мубтало бўлганларни аниқлашнинг ўз усули бор. Унга кўра, 13-21 ёшлилар бир ойда 15 литр пиво ичса, аёллар ҳафтасига беш рюмкадан ошиқ спиртли ичимлик истеъмол қилса, пиёнисталикка мубтало бўлган ҳисобланади.

## Ўғрилардан қўрқиб...

Яқинда Венгрия "Спортлото" ўйинлари



тарихидаги энг катта ютуқ ўйналди. 5 миллиард форинт – 25 миллион долларга яқин ютуқ ўз эгасини топди. 36 рақамнинг 5 тасини тўғри топиб, мамлакатдаги энг бадавлат одамлардан бирига айланган омадли инсон ўғрилардан қўрқиб, роса икки ой ютуқ чиққанини яшириб юрган.

# Тошкентда орзу ушалди

Спортнинг қайси тури бўлмасин, кучлиларни ҳамиша мухлислар олқишлашган. Пойтахтимизда якунланган юнон-рум кураши бўйича "Гран-при" турнирида ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Вакилларимиз мусобақани эрта тарк этишган бўлсаларда, ўзбек кураши ихлосмандлари полвонларни қўллаб-қувватлашдан тўхташмади. Айниқса, япониялик Масатоши Тайота (55 кг.) ўзбек мухлисларига қадрдон бўлиб қолди.



Спорт

Тўғриси, унинг иродаси-ю, абжирлигига қойил қолмай иложимиз йўқ. Масатоши икки баҳсда рақибларидан сезиларли равишда ортда қолаётиб ҳам ғалабага эришгани унинг юксак маҳоратли спортчи эканлигини кўрсатади. Айниқса, финалда. Россиялик Гейдар Мамедалиевдан енгилаётган пайтда, сўнгги дақиқаларда қўллаган усули нафақат мухлисларни, балки мутахассисларни ҳам лол қолдирди. Масатошининг айтишича, у илгари Япония миллий спорт тури — дзюдо билан шуғулланган экан. Курашнинг иккала услубини мужассамлаштирган Тайота Тошкентдаги мусобақаларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Илгари бирор марта ҳам Олимпиада ўйинларида иштирок этмаганман, — дейди Масатоши. — Тошкент эса менинг энг катта орзумни ушалтирди. Бунда ўзбекистонлик мухлисларнинг ҳам ҳиссаси бор. Сизларнинг спортчингиз Камол Холматовни ютганимга қарамай, кейинги учрашувларимда юртдошларингиз мени қўллаб-қувватлашди. Бунинг учун халқингиздан миннатдорман.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ГЛОБАЛЛАШУВ: ДУНЁГА НАЗАР

*Жаҳон дипломатия оламидаги нуфузли «Foreign Policy» ("Ташқи сиёсат") журнали ҳар йили дунёнинг «Глобаллашув рейтинги»ни эълон қилади. "Globalization Index" деб аталувчи мазкур маълумотлар тўплами дунёнинг умумий глобаллашув жараёни манзарасини кўрсатиб, қандай кечаётгани, ундаги салбий ва ижобий ўзгаришлар ҳақида тўлиқ ахборот беради.*

Яқинда мазкур тадқиқотларнинг энг сўнггиси эълон қилинди. Унда сайёрамиз аҳолисининг 88 фоизини ва жаҳон иқтисодиётининг 91 фоизини қамраб олган 62 та давлатдаги жараён таҳлил этилган.

Махсус тадқиқотлар тўрт кўрсаткич бўйича ўтказилди. Биринчиси иқтисодий интеграциялашув бўлиб, унда халқаро савдо, сармоя миқдори ва давлат чегаралари билан боғлиқ тўловларнинг ҳажми назарда тутилади. Иккинчисида шахсий алоқалар кўлами, халқаро сафарлар ва сайёҳлик, халқаро телефон алоқаси ҳамда почта, шунингдек, пул ўтказмалари кўриб чиқилади. Учинчисида, мамлакатда Интернетдан фойдаланувчиларининг сони, Интернет-серверлар қанчалик кўплиги инобатга олинади. Халқаро сиёсатда мамлакатнинг иштироки тўртинчи кўрсаткич ҳисобланади. Бунда давлатнинг нечта халқаро ташкилотга аъзолиги, мамлакатдаги элчихоналар сони аҳамиятга эга бўлади.

2003 йилда энг глобаллашган мамлакатлар рўйхатидаги илк бешлик аввалги йилдагидек қолди. Ирландия Республикаси дунёда энг глобаллашган давлат деб тан олинди. Иккинчи ўринда – Сингапур, учинчи ўринда эса – Швейцария. Кейинги йигирма ўринни қуйидаги давлатлар эгаллади: Голландия, Финландия, Канада, АҚШ, Янги Зеландия, Словения, Малайзия, Австрия, Дания, Швеция, Буюк Британия, Австралия, Чехия, Франция, Португалия, Норвегия, Германия. Мутахассисларнинг фикрича, Филиппин, Аргентина, Австралия, Янги Зеландия 2002 йилга қараганда ўз кўрсаткичларини анча яхшилаб олган. Аксинча, Марокаш, ЖАР, Миср, Кения ва Швецияда оқсаш кузатилди.

Халқаро иқтисодиётда юз берган инқироз туфайли 2003 йилда глобаллашув жараёни бироз секинлашди. Халқаро савдо миқдори камайди ва халқаро сармоя оқими ҳам кескин пасайди. Жами жаҳон сармояси 21 фоизга пасайгани асосан 108 давлатга ўз таъсирини кўрсатди. Оқибатда дунёдаги 70 мамлакат парламенти сармоядорларни янада жалб қилиш мақсадида жами 248 та қонунга ўзгартиришлар киритди. 2002 йилда бу рақам 208 тани, 2000 йилда эса 150 тани ташкил этганди.

«Washington Profile» ахборот маҳкамасининг таҳлил қилишича, глобаллашув жараёнига Ироқдаги уруш катта салбий таъсир кўрсатди. Уруш туфайли бир қанча давлатлар орасида муносабатлар совуқлашди. Дунё бўйлаб эса сайёҳларнинг сони кескин камайиб кетди. Бундан ташқари, халқаро савдо суръатлари ҳам анча секинлашди. Шунга қарамай, халқаро эркин савдони таъминловчи 14 та битим имзоланди.

2003 йилда телекоммуникацион технологиялар соҳасида катта ўзгаришлар рўй бермади. 130 миллион янги Интернет фойдаланувчилари қайд этилди. Жами интернетдан фойдаланиш имконияти 620 миллион кишига насиб қилди. Масалан, Ҳиндистонда тармоқдан фойдаланувчилар 136 фоизга, Бразилияда деярли 79 фоизга кўпайди. Кунчиқар мамлакат эса одатдагидек техник мўъжизалари билан дунёни забт этаётир.

Халқаро сўзлашув ҳажми ҳам сезиларли ошган. Ўтган йили бу сўзлашув 135 миллиард дақиқани ташкил этгани ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳар киши 21 дақиқа гаплашди деганидир. Яна бир ажойиб янгилик: илк бор дунёда мобил телефон абонентлари сони оддий телефон абонентларидан ошиб кетди.

Минг афсуски, қувончимиз фақат шу билан чегараланиб қолади. Чунки технология дунёнинг айрим қисмларидагина ривож топмоқда. Қаердадир ҳар соатда кашфиётлар қилинса, иккинчи давлатга бу кашфиёт ўн, балки йигирма йилдан сўнг етиб бораяпти. Сўзимиз исботи учун мутахассислар яқиндагина ҳисоблаб чиққан рақамларни келтирсак. Буни қарангки, Нью-Йорк маркази бўлмиш Манхэттенда бутун бошли Африка қитъасидан кўпроқ телефон линиялари бор экан. Бунга нима дейсиз?!

Бутун дунёни яшин тезлигида забт этаётган глобаллашув жараёнига жаҳон халқларининг муносабати қандай? Қайси давлат бу ўзгаришларга қарши-ю қай бирида хайрихоҳлик кучли? АҚШда жойлашган Pew Research Center for the People and Press тадқиқот маркази ўтказган сўровда ниҳоятда қизиқарли ва кутилмаган маълумотлар аниқланди. Масалан, улардан бири, глобаллашув тарафдори бўлган одамлар энг глобаллашмаган ҳудуд — Африкада яшар экан.

Марказнинг сўровлари 49 мамлакатда ўтказилди. Хусусан, 18-29 ёшдаги 75 фоиз африкаликлар, 43 фоиз шимолий америкаликлар, 41 фоиз ғарбий европаликлар ва 39 фоиз шарқий европаликлар глобаллашув жараёнини ёқлаб чиқди. Афсуски, аксарият давлатларда қариялар, яъни 65 ёшдан ошганлар умумбирлашув ғоясига қарши эканини намоён этган. Шимолий Америкада 27 фоиз, Ғарбий Европада 36 фоиз, Африкада 61 фоиз қариялар глобаллашувни салбий жараён сифатида баҳолади.

Глобаллашувда маданий уйғунлик алоҳида ўринга эга. Шу сабабдан, минтақалар интеграциялашувида маданий-тарихий илдизларнинг бир экани катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Аниқланишича, дунёдаги халқларнинг бари ўз миллати, халқини энг бой ва мукаммал деб ҳисобларкан. Россия, Болгария, Польша, Чехия, Украина ва Шарқий Европанинг яна бошқа бир қатор мамлакатлари халқлари ўз миллий маданиятига юксак баҳо берар экан. «Сизнинг миллий маданиятингиз жаҳон цивилизациясига қандай ҳисса қўшган?» деган саволга 76 фоиз болгарлар, 37 фоиз французлар, 40 фоиз немислар, 55 фоиз итальянлар, 27 фоиз инглизлар ва 61 фоиз америкаликлар ўз маданияти энг катта ҳисса қўшган деб ҳисоблайди. Қизиғи шундаки, худди шу савол мазкур мамлакатлар ёшларига берилганида, уларнинг катта қисми бундай фикрдан йироқдалигини айтишган. Номи юқорида қайд этилган марказ тадқиқотларининг кўрсатишича, қариялар кўпроқ бошқа маданиятнинг ўз давлатига кириб келишидан қўрқади. Бу, айниқса, Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ мамлакатлари ва АҚШга тегишлидир. Хавотирлар, албатта, ўринсиз эмас. Чунки сайёрамиз аҳолиси кўпайиб бораётган бир пайтда, муҳожирлик балосидан ҳар бир давлат ташвиш чекмоқда. Сўровда қатнашган 49 давлатнинг барида аҳолининг учдан бир қисми ташқаридан одамлар кириб келишига қатъиян қаршилигини билдирган. Сабаби одам кўпайгани сари муаммолар ҳам кўпайиб боради. Айниқса, хавфсизлик масаласида кўпроқ қайғуришга тўғри келмоқда. Бироқ мамлакатларга қонуний ва ноқонуний кириб келувчилар сони камайиш ўрнига кўпаймоқда. Нима учун, дейсизми? Гап шундаки, ривожланган ва ҳудуди каттароқ давлатларда арзон ишчи кучи учун иш топиш ва даромад тўплаш имконияти бор. Шунинг учун ривожланмаган мамлакатлар аҳолиси чет элда ризқини теришга мажбур бўлмоқда.

Таассуфки, сўровлар Марказий Осиё минтақасида ўтказилмаган. Ўтказилганида, жаҳон цивилизациясининг асл илдизларидан хорижликлар хабардор бўлишармиди? Менинг фикримча, глобаллашув жараёнида фаол иштирок этаётган мамлакатимизни ортиқча таништиришга ҳожат ҳам йўқ. Дунёдаги глобаллашув жараёнининг кўриниши шундай. Дунё глобаллашуви кимга фойда, кимга зарар эканлигини эса вақт кўрсатади.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА.**

# АТБ «АВИАБАНК»

*жамоаси Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини*

## *Наврўз*

*байрами билан муборакбод этади!*

*Янгиланиш ва ёшариш байрами ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч келтирсин!*

AVIA BANK

*Барчага тинчлик-тотувлик ва бахт-саодат тилаймиз!*

**Халқимизга Наврўз байрамига туҳфа сифатида янги «Баҳор» омонат тури очилганини эълон қиламиз.**

**Омонатга йиллик 50% миқдорида устама тўланади ва 1 ой муддатга қўйилади.**

**Телефонлар:**
**54-75-75, 54-79-53.**
**Манзил: 700015,**
**Тошкент ш., Нукус к., 86-«А» уй.**

8753R/592



- Лак-бўёқ маҳсулотлари;
- электрод;
- тикувчилик ишлаб чиқариш маҳсулотларини кенг кўламда ишлаб чиқарувчи

# «LOK KOLOR SINTEZ» ҚК

*Ўзбекистон аҳолисини*

## *Наврўз*

*айёми билан табриклайди ва барчангизга бахт-саодат тилайди!*

Корхона ҳалқаро сифат совринига сазовор бўлган ва SPIнинг олтин медали билан тақдирланган.




Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси,13/22.
Телефон: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@rol.uz

8734R/430



# «ЎЗПАХТАСАНОАТ»

*уюшмаси*







**барча юртдошларимизни баҳор ва бахт, шодлик ва навқиронлик байрами —**

# Наврўзи олам

**билан табриклайди!**







Узунробита Ўзбекистон МОҚнинг бош ҳамкори

**UZDUNROBITA International**

## Барча мамлакатларга қўнғироқ қил!

Баъзи йўналишлар бўйича нархлар

| Мамлакат | Тариф (1 дақиқа учун нарх UNITда) | Тариф (1 дақиқа учун нарх сўмда) |
|---|---|---|
| | ***Шимолий Америка*** | |
| АҚШ | 0,59 | 590 |
| Канада | 0,59 | 590 |
| | ***Жанубий Америка*** | |
| Бразилия | 0,69 | 690 |
| Чили | 0,59 | 590 |
| Перу | 0,69 | 690 |
| | ***Марказий Америка*** | |
| Мексика | 0,69 | 690 |
| Коста Рика | 0,69 | 690 |
| Бермуд ороллари | 0,69 | 690 |
| | ***Европа*** | |
| Франция | 0,59 | 590 |
| Франция (мобил) | 0,99 | 990 |
| Германия | 0,59 | 590 |
| Германия (мобил) | 0,99 | 990 |
| Финляндия | 0,59 | 590 |
| Монако | 0,59 | 590 |
| Италия | 0,59 | 590 |
| Италия (мобил) | 0,99 | 990 |
| Кипр | 0,69 | 690 |
| Греция | 0,59 | 590 |
| Исроил | 0,69 | 690 |
| Туркия (Истамбул) | 0,69 | 690 |
| | ***Осиё*** | |
| Хитой | 0,59 | 590 |
| Япония | 0,59 | 590 |
| Япония (мобил) | 0,99 | 990 |
| Жанубий Корея | 0,59 | 590 |
| Малазия | 0,59 | 590 |
| Гонконг | 0,59 | 590 |
| Сингапур | 0,59 | 590 |
| Тайвань | 0,59 | 590 |
| Индонезия | 0,69 | 690 |
| Индонезия (мобил) | 0,99 | 990 |
| | ***Африка*** | |
| Миср | 0,99 | 990 |
| Жанубий Африка | 0,69 | 690 |
| Нигерия | 0,99 | 990 |
| | ***Австралия*** | |
| Австралия | 0,59 | 590 |

NEW!

**"Uzdunrobita International" Халқаро карточкалари**




**"Uzdunrobita International"** карточкалари компаниянинг офисларида сотилмоқда.

NEW! Уздунробита GSM тармоғи Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳрида ишлай бошлади!

Ҳисоб учун 1 UNIT = 1000 сўм. (нархларга барча солиқлар киритилган)

Мамлакатлар ва нархларнинг батафсил рўйхатини www.uzdunrobita.uz сайтида кўриш мумкин.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН



*Иш мароми, таҳлил, режа*



***Мойжувоз — етти хазинанинг бири. «Сурхонозиқовқатсаноат» корхонаси — йирик мойжувоз. Ишлаб турса, бир кунда икки-уч вагон бозори чаққон маҳсулот ишлаб чиқаради.***

***Корхонанинг асосий хомашёси — чигит. 2003 йилда бу ерда 125 минг тонна техник чигит қайта ишланиб, 22485 тонна қора ёғ, 19637 тонна оҳорланган ёғ ишлаб чиқарилди. Чигитдан ёғ чиқиш фоизини ошириш ҳисобига аввалги йилдагига нисбатан 2300 тонна кўп оҳорланган ёғ олинди.***

# ОМАДУ БАРАКА — МЕҲНАТДАН

Бу ютуқнинг иқтисодий самараси қандай? Хўжалик совуни, қандолат, кунжара, шелухани ҳам қўшиб ҳисобласак, бултур корхона 7,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу бурноғи йилдаги кўрсаткичдан 783,7 миллион сўмлик кўп. Натижада 2002 йилни иқтисодий зарар билан якунлаган ва синишига бир баҳя қолган жамоа 2003 йилда қаддини тиклай билди: давлат бюджети олдидаги 500 миллион сўмлик қарзини узди. Мавжуд дебиторлик қарзларини ундириб олди. Асосий фаолиятдан олинган фойда 346,3 миллион сўмни, йил якуни бўйича олинган фойда эса 212,9 миллион сўмни ташкил этди.

Ютуқлар боиси нимада? Цехлардаги қиздириш ускуналарига конденсат ажратгич тизими татбиқ этилди. Г-24 пресслаш редукторлари ихчам ва замонавийлари билан алмаштирилди. Экстрауция цехлари янги технология билан жиҳозланди. Буғ қозонининг экран қувурлари яхшиланди ва ҳоказо. Демоқчимизки, иш маромини замон талабларига ва илғор тажрибалар мезонига ростлаб юргизиш катта самара бераяпти. Энг муҳими, барча муваффақиятлар шу корхонанинг этагини тутиб, рўзғор тебратаётган мингга яқин одамлар меҳнатининг натижасидир.

— Бизда ҳозир иштаблик тамойили устувор, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Олимжон Жумаев. — Амал қиладиган мезонимиз — манфаатдорлик. Манфаатдорлик қоидаси оддий — ҳалоллик. Меҳнатингдан одамлар, эл-юрт манфаат топсин. Раҳбардан адолат, ишловчидан виждон кутган элнинг ишончига дарз кетмасин. Омад, барака, қаноат, тўкинлик, назарнинг тўқлиги, менимча, аввало, шу мезонлар замирида томир отади.

Ёши энди ўттизни қоралаган ёш раҳбарнинг бу гаплари менга маърифатпарвар бобомиз Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «Жаннат каби гўзал юртинг бугун сендан иш кутадир» деган каломини эслатди. Шундай. Корхонанинг атрофида бугун бирон иш битказиш илинжида келган мижозларнинг машиналари қалашиб ётмайди. Ҳужжат тайёрлаш, унга имзо қўйдириш ё бўлмаса, маҳсулотни тарозидан ўтказиш учун кунларни тунларга улаб, навбат кутишмайди. Пахта тайёрлаш режасини уддалаган хўжалик субъектлари билан уч томонлама шартномалар рисоладагидек тузилган. Туманларда 14 та таъминот шохобчаси ишлаб турибди. Пули, улуши, ҳақи борми, мижоз маҳсулотларини ўзининг уйига яқин шохобчадан харид қилаверади. 2003 йилда, масалан, жами 3584 та хўжалик шартномаси тузилган эди. Пировардида 7623 тонна ёғ, 32878 тонна кунжара, 26668 тонна шелуха истеъмолчиларга етказиб берилди.



— Шартномага кўра, мен яқинда корхонадан 4 тонна пахта ёғи, 11 тонна шелуха олдим, — дейди Қумқўрғон туманидаги «Мирзо Олим» фермер хўжалигининг саркори Ибодулла Қароров. – Ўртада тамагирлик, сансалорлик, сарсон-саргардонлик йўқ. Шартномага амал қилинади, тамомвассалом. Мана буни ислоҳот, самимийлик, ҳалол шерикчилик, деса бўлади!

Омад. Барака. Шукроналик. Одамлар саломаликдан сўнг бир-бирларининг ишларига, умрларига барака тилайдилар. Бир оғиз тортишувдан, тарафкашликдан, такаббурликдан қирқ кунлик барака қочиши мумкинлигини ҳамиша бир-бирларига огоҳлантириб турадилар.

— Аксинча, гапи тўғри, қадами ҳалол одамлар ишига барака инади, – дейди 1-экстракция цехи ишчиси Сайраҳмон Юнусов. — Бугунги ишларимиз барори аҳиллигимиздан, ишлаган кишининг меҳнати қадрланаётганидан, деб биламан. Ишчиларимизнинг 80 фоизи — ёшлар. Миллион сўмлаб баҳоланаётган ютуқларимиздан ҳам кўра ёшларни тўғри тарбиялаб, уларни ҳақиқат чизиқларидан чалғитмаслигимиз муҳим.

Биз Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини котиби Эшпўлат Йўлдошев билан суҳбатлашамиз. Йўлдошев ҳам гапини ёшлар тарбиясидан бошлади.

— Ҳиссадорлик жамиятининг спорт-соғломлаштириш мажмуи ёш авлод учун мактаб, чиниқиш масканига айланган. Корхона маҳалла ёшларидан футбол жамоаси тузган. Корхонанинг одамлари ҳатто маҳалламизга келиб, иссиқ-совуғимиздан бохабар бўлиб туришади, ҳомийлик ёрдами кўрсатишади, — деди у.

Корхонанинг ҳомийлик ҳиммати биргина маҳалла билан чегараланиб қолмаяпти. Болалар спорти жамғармаси қўллаб-қувватланмоқда, Деновдаги «Мурувват уйи»дагиларнинг кўнгли кўтарилмоқда, илгари шу ерда ишлаганларнинг аҳволидан хабар олинаяпти. Айниқса, «Меҳр ва мурувват йили»да бу борада махсус режа асосида ишлар олиб борилаётир.

Энди икки оғиз сўз режа ҳақида. Корхонада йилига 5 минг тонна экстракция ёғини дезодарация қилиш (чучитиш) бўйича лойиҳалаш ишлари якунланди. Соя ёғини ишлаб чиқариш учун хомашёни ўзлари етиштириш тадбири кўрилмоқда. Истеъмолчига қулайлик яратиш мақсадида туманлардаги шохобчалар иши такомиллаштирилаяпти. Чигитдан мой чиқариш фоизини янада кўпайтириш имкониятлари ишга солинаётир. Экспорт ҳажмини эса 2 баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси пировард натижада корхона иқтисодиётини мустаҳкамлайди, ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини оширади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркор жаноблар!*

**Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ**

*2004 йилнинг 30 март, 13 ва 27 апрель, 11 ва 25 май кунлари*

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.**

***Танлов савдосига қуйидаги объект қўйилган:***

⇨ ***«Ўзсутгўштмахсусавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган «Тошкент 3-автокорхонаси».***

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни *а) ариза ҳужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлари тўплами; в) молиявий таклифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:*

- *талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати);*
- *тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;*
- *олинаётган сармоя мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари;*
- *бизнес-режа.*

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезедентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй манзилида бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй.**

**Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.**



## «ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ»

**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ ВА КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Тугатиш комиссияси «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси акциядорларининг 2004 йилнинг 12 мартида ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли **«Кимё саноати бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясини жорий йилнинг 12 мартидан тугатиш бўйича қарор қабул қилинганлигини маълум қилади.

Тугатиш комиссияси «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясининг барча кредиторларидан, шу жумладан, хорижий фирмалардан талаб ва даъволарни икки ой ичида қабул қилади.

Ушбу муддат ўтгандан кейинги берилган талаб ва даъволар тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинмайди.



*Ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси**
**Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш**

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

*қуйидаги материалларни сотиб олишга*
*танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:*

| Материаллар номи | Сортамент, Гост | Пўлат қалинлиги (мм) | Пўлат ўлчами | Вазни (тонна) |
|---|---|---|---|---|
| Ҳар хил турдаги пўлат | [24, [16, [12 листы б=10, б=8 и прочие материалы, ВСт3, ПС4 | ҳар хил | ҳар хил | 37,0 |
| Пўлат (Сталь толстолистовая) | Сталь09Г2С Гост 19282-73* | 20<br>18<br>16 | 2000х7600мм<br>2000х7600мм<br>2000х7600мм | 692,0<br>728,0<br>91,0 |
| Пўлат (Сталь толстолистовая) | Сталь09Г2С Гост 19282-73* | 20<br>18 | 2000х6000мм<br>2000х6000мм | 32,5<br>65,5 |
| Пўлат (Сталь толстолистовая) | Сталь09Г2С Гост 19282-73* | 20-30<br>20-40<br>20-40<br>14-22 | 2000х6000мм<br>2000х6000мм<br>2000х6000мм<br>— | 32,8<br>34,0<br>30,4<br>74,0 |
| Ҳар хил турдаги пўлат | материал ВСт3, ПС4 | ҳар хил | — | 9,8 |
| +10% кўзда тутилмаган харажатлар (қолдиқлар, кескилар ва бошқалар) | | | | 182,8 |
| **ЖАМИ** | | | | **2010,0** |

***Ҳар бир маҳсулот учун мувофиқлик сертификатлари талаб қилинади.***

***Буюртмачи** — Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.*
***Телефонлар:** (8-3692) 26-46-44, 26-30-18.*
***Маҳсулотни сотиб олиш буюртмачига Резаксой сув омбори қурилишига ажратилган давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Молиялаштириш валютаси — АҚШ доллари.***

*Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: ишлаб чиқаришга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга:* **Наманган ш., А.Навоий к., 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

*Мулоҳаза*

# Эгри йўл васвасаси

Таҳририят топшириғи билан чегара ҳудудида жойлашган олис туманга боришимга тўғри келиб қолди. Автобус ҳайдовчиси менга иккинчи қатордан жой кўрсатди. Олдинги ўриндиқларни бир-бирига эгизакдек ўхшаш ёш жувон билан йигирма ёшлар чамасидаги қиз эгаллаган экан. Нигоҳим беихтиёр уларнинг бармоғи, қулоғи, бўйнидаги тилла тақинчоқларга қадалди. Ҳар қайсисиники ярим килога бориб қолар-ов. Бунинг устига, узуклари-ю сирғалари кўзларига олмосдан жило берилган...

Манзилга яқинлашганимизда автобусимизни божхона масканида тўхтатишди. Масъул ходим ҳаммамиз билан илиқ сўрашиб, ўзини таништиргач, паспортларимизни кўрмоқчи эканлигини айтди. Биринчи бўлиб олдинги қатордаги жувоннинг ҳужжатини кўздан кечирди. Сўнгра:

— Мабодо, ёнингизда олиб ўтилиши тақиқланган нарсалар йўқми, опажон? — деб сўради.

— Сен мени ким, деб ўйлаяпсан, ҳов бола? — баланддан келди жувон. — «Контрабанда товар» олиб ўтиб, эсимни еб қўйганим йўқ. Лабингдан тухумнинг сариғи кетмабди-ю, бировдан айб топасанми?

— Опа, оғзингиздан чиқаётган ибораларга сал эҳтиётроқ бўлинг, мен хизмат вазифамни адо этаяпман!

Масъул ходим шундай дея жувон ўтирган ўриндиқ остидаги бир неча сумкани очиб кўрди. Биринчи сумкадан рангли металлар, иккинчисидан биз билмайдиган алланималар чиқди. Йигит учинчи — енгилгина сумкани очиб кўргач:

— Опа, узр, хизматчилик! Энди биз билан юрмасангиз, бўлмайди. Ёнингизда ҳамроҳингиз йўқми? — деб сўради.

— Бир ўзимман! — Жувон ҳаммамизнинг олдимизда ёлғон сўзлади. — Лекин менга тегмаганинг маъқул. Акс ҳолда, погонингдан айрилиб қоласан. Ортимда кимлар турганини билмайсан-да!

— Юринг, олдин бу нарсаларни расмийлаштирайлик. Кейин ишдан ҳайдатасизми, погонимдан айирасизми, у ёғи сизнинг ишингиз!

Бироздан кейин жувон ҳовлиқиб қайтиб келди.

— Венера! Мен қолмасам бўлмайди. Сен нариги товарга эҳтиёт бўл. На всякий случай, сотkадан тревога бер. Бир «лимон»га кўнишса, ўзим тўғрилайман! — деди-да, зудлик билан орқасига зинғиллаб кетди.

Унинг ҳамроҳи уяли телефонидан аллақандай Эдикка қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Кейин автобусдагиларга божхона ва йўл назорати ходимларининг «ашаддий порахўр»лиги тўғрисида ваъз ўқий бошлади. Бир отахон: «Қонунни бузмаганларингда, ҳеч гап йўқ эди. Ҳамма айб ўзларингда!» — деб қаттиқ койиб берганидан сўнг жимиб қолди.

«Нега бу аёллар бунчалар «дадил» бўлиб кетишган? Уларни ким талтайтириб юборган?..»

Шундай хаёллар оғушида ўтирарканман, ҳалиги отахон менга таъна билан қараб қўйгандек бўлди. Қулоғимнинг учигача шолғомдек қизариб кетдим. Қария «Башанг кийинган, бўйинбоғ таққан, тузуккина зиёли йигит кўринасан. Нега инсофни унутган анави аёлларни бир оғиз тартибга чақирмайсан?» деяётгандай бўлди. Яхшиямки, у менинг журналист эканлигимни билмайди. Билганида, роса изза қилиши тайин эди... ва тўғри қилган бўларди.

Ахир, бундай қонунбузарликларни кўриб, мен индамай кетсам, сиз индамай кетсангиз, учинчи одам кўрмаганга солиб кетса, оқибати нима бўлади? Бояги аёлларга ўхшаган «уддабуронлар» мамлакат ва халқ бойлигини гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона туя қилиб кетаверадилар-да...

Дарвоқе, 2003 йилда биргина Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари 1226 та ана шундай ҳолатни аниқладилар. Натижада мамлакатимиздан олиб чиқилиши ёки юртимизга олиб кирилиши эҳтимоли бўлган 548610100 сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Шунга кўра, 69 та жиноят иши қўзғатилди. Сохта ишбилармонлар кўпроқ ташқаридан бензин олиб келиб сотишга ружу қўйишмоқда. Бундан давлатимиз тасарруфидаги тонна-тонна бензиннинг чакана савдосига путур етмоқда. Қанчадан-қанча пенсионерларимиз ўз нафақаларини вақтида олишолмаяпти.

Қинғир ишлари учун озодликдан, бир неча йилларга ота-она, эр ёки рафиқа, фарзанду невералар дийдоридан маҳрум бўлаётганлар қанча?!

...Автобус яна йўлга тушди. Менинг хаёлимда ҳамон бир савол чарх урарди. Ўзини фариштадек пок ҳисоблаётган бу аёллар шайтон етаклаган эгри йўлдан қайтармикинлар?!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Тўқимачилик маҳсулотлари импорти ва экспорти билан шуғулланадиган

«CHINATEX»

Хитой миллий корпорацияси ваколатхонаси Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини энг гўзал баҳор байрами —

НАВРЎЗ

билан чин қалбдан муборакбод этиб, барчага сиҳат-саломатлик, муваффақиятлар, фаровонлик ва мусаффо осмон тилайди!

Биз Ўзбекистонда фаолият юритаётганимиздан ва Сизлар билан биргалигимиздан мамнунмиз!

Тўқимачилик маҳсулотлари импорти ва экспорти билан шуғулланадиган «CHINATEX» Хитой миллий корпорацияси ярим асрдан ортиқ тарихга эга.

Бугун компаниянинг ўттиздан ортиқ корхона ва ваколатхоналари дунёнинг беш қитъасидаги мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам олти йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият юритиб келмоқда.

Фаолиятимизнинг асосий йўналиши — Хитойга пахта толаси, пахта линти, йигирилган ип, матолар, целлюлоза ва бошқа рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотлари етказиб беришдан иборат.

Мижозлар буюртмаси бўйича Хитойдан юқори сифатли тайёр кийим-кечаклар, янги тўқимачилик ускуналари, пахта толаси, чигити, линтини қайта ишлайдиган, шунингдек, ISO халқаро стандарти сертификатига эга бўлган пахта ёғи ишлаб чиқарадиган ускуналарни етказиб беришимиз мумкин.

Фаолиятимиз соҳалари сизда қизиқиш уйғотган бўлса, бизга мурожаат қилинг!

Биз амалий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз!

Манзилимиз: 700031, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Восит Воҳидов кўчаси, 104-уй.
Телефонлар: 998 (71) 120-80-81, 120-80-82, 120-80-83.
Факс: 998 (71) 120-80-80.
E-mail: tashkent@chinatex.uz(URL): http//www.chinatex.com



**Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!**

*«Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш*

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**Болалар спортини ривожлантириш республика фондининг 2004 йил манзил дастурига киритилган Ш.Рашидов туманининг Пахтаобод қўрғонида 5-тип спорт мажмуаси қурилиши бўйича** *танлов савдоси эълон қилади.*

Буюртмачи — **Сирдарё вилояти ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.**
**Объектнинг қурилиши бошланғич баҳоси — 160,7 миллион сўм.**
**Қурилиш муддати — 2004-2005 й.**
Манзил: **Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30-уй.** Телефон: **27-63-85.**
**Объект қурилиши Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.**

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: ҳисоб рақамларида ёки заҳирада қурилиш материаллари, объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлиши, шартнома тузиш ҳуқуқига эгалиги.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг 15 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30-уй. Телефон/факс: (8-3672) 27-64-84.**

*Тендер ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60000 сўм.*

*Оферталар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объект бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати. Танлов савдолари эълон чоп этилганидан 15 кун кейин ўтказилади.*

8744Н/579


## «Энг фаол журналист» танлови

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти юртимиздаги кўплаб хайрли ишларнинг ташаббускори бўлаётир.

Жамият ташаббуси билан "Инсонийлик" ўқув-услубий марказида ўтказилган анжуманда яна бир хайрли тадбир — "Меҳр-мурувват йилидаги энг фаол журналист" танловини ўтказишга қарор қилинди. Унга кўра, оммавий ахборот воситалари вакиллари Меҳр-мурувват йилида мамлакатимизда олиб борилаётган ибратли ишлар, хайрли тадбирлар, уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақидаги мавзуларда мақола ёзишлари, туркум кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлашлари лозим.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


**MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ**



Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.

**MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ**

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

**«Rosenthal»дан сара идиш-товоқлар.**

Манзилимиз: Тошкент ш., Қунаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.



**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**



**O'zLotto**

«ЎЗЛОТТО» лотереяси 13-тиражининг

**ҳисоботи**

**Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган телевизион, сонли «O`zlotto 6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.**

**Тушган шарлар номери кетма-кетлиги:** 14 39 11 37 13 31

**Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 13 март**

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 1 252 750 | 0 | 0 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 563 950 | 30 | 18 798 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 973 825 | 544 | 3 628 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 20 март куни ўтказилади.

**Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси — 100 000 000 сўм**

Тўкин ҳаёт сари!

Тошкент ш., Ниёзбек йўли кўчаси, 24-уй. Телефон: 136-70-69.
O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining № 000001-sonli litsenziyasi



Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари



**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг умидбахшлиги билан ишончни оқлайди, ундан кўплаб фойдаланувчилар ва қўшимча уланадиган мижозлар ишини уйғунлаштиради ҳамда юқори унумдорлик билан ишлайди.**

Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

intel inside XEON

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporation нинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.



**КРАХМАЛ ШИННИСИ (ПАТОКА)**

*(маккажўхоридан)*

**ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ПИВО ПИШИРУВЧИЛАР УЧУН**



Телефонлар: 111-04-44, 152-75-72.
E-mail: makscomp@globalnet.uz



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

# Яшил новдаларда ҳаёт сеҳри бор



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири.

## Яшил новда

*Расул қабристондан бораркан ўтиб,*
*Шафқат ва иноят ҳиссин туйдилар.*
*Бир қабр қошида тиловат этиб,*
*Сўнг яшил новдани қадаб қўйдилар.*

*Саҳобалар деди: — Ё Расулуллоҳ,*
*Бу новда жисмида яширин қай сир?*
*Расул жавоб қилди: — У энди, валлоҳ,*
*Гўрнинг азобини енгиллатгайдир.*

*Чиндан сеҳр билан тўлиқдир олам,*
*Чиндан ҳам қадамда илоҳий асрор.*
*Зўр қудрат эмасми ҳаёт ўзи ҳам,*
*Яшил новдада ҳам унинг кучи бор!*

## Оллоҳ марҳамати

*Оллоҳим кимгадир берди мол-дунё.*
*Балки раҳм айлади йўқсил жонига.*
*Ва лекин бойликка тўймасин деб то,*
*Нафсни қўшиб қўйди ёнига.*

*Оллоҳим кимгадир мансабни берди,*
*Амал поёларин қилди мустаҳкам.*
*Ва лекин иккинчи томондан қурди*
*Қайтиб тушадиган зиналарни ҳам.*

*Оллоҳим кимгадир берди истеъдод,*
*Майли таратсин деб гўзал куйларни,*
*Ва лекин бир умр чексин деб фарёд,*
*Унга ҳамроҳ қилди ҳасадгўйларни.*

## Эврилиш

*Болалик йилларнинг шўхликлари бор,*
*Ўйин жанжалга ҳам охир етарди.*
*Енгилган жўрамиз тўнғиллаб ночор:*
*— Отамга айтаман! — дея кетарди.*

*Сўнгра мактаб бордик, улғайдик гўё,*
*Кимдир «оддий» бўлди, кимдир «атаман».*
*Алам чекканимиз дер эди гоҳо:*
*— Сени директорга айтаман!*

*Бир кун катта бўлдик бизлар ростдан ҳам,*
*Ўйлаб гапирмоқ шарт энди ҳар кимга.*
*Сени қўрқитарди бундайроқ одам:*
*— Парткомга айтаман, парткомга!*

*Замонлар ўзгарди, ўзгарди дўст-ёв,*
*Давр ҳам ўзга бир либосни кийди.*
*Бугун хафа қилса бировни биров,*
*Дарҳол «Би-Би-Си»га айтаман!» дейди.*

## Комиллик

*Майли, шоирликни қилмагил ҳавас,*
*Балки олимлик ҳам сенга шарт эмас.*
*Англасанг дунёнинг ўткинчилигин*
*Комил бўлмоқликка шунинг ўзи бас!*

## Ҳақиқат

*Дедилар: — Аё, пир, айлагил шафқат,*
*Ҳақиқат бормикин, ростин айт фақат.*
*Пир деди: — Тириксан, ҳақиқат шулдир,*
*Бир куни ўлгайсан, бул ҳам ҳақиқат.*

## Инсон қавми

*Гарчанд Инсон қавмин биттадир исми,*
*Гарчанд муштаракдир қиёфа, жисми.*
*Лекин қилмишлари унинг турфадир,*
*Бир қисми алданар, алдар бир қисми.*



*Наврўз яқин*

# Сумалакни соғиндик

Наврўз қачондан бошланади? Биз унинг ибтидосини қачондан ҳис эта бошлаймиз. Бошқаларни билмадиму болалигимдан онгимда муҳрланиб қолган баъзи бир ҳолатлар менга ана шу байрам яқинлашаётганлигини, яқинлигини, демак, ҳадемай нимадир бўлишини сездирар экан. Бу ҳолатлар бизни ўз муаттарлиги билан, муаззамлиги билан сархуш этади, эсанкиратарди.

Шунда англадимки: Наврўз қизлар пиёлани тўнкариб ўсма эза бошлаган кундан бошланар экан.

Шунда англадимки: Наврўз момоларнинг офтобрўяни излаб қолган дамларидан оёқланар экан.

Шунда англадимки: Наврўз келинчакларнинг қоқи япроқларини тузга ботириб, қайнона-ю қайнотасидан яшириб, тўйиб-тўйиб еган онларидан юз кўрсата бошларкан.



Шунда англадимки: Мукаррам момонинг ҳамсоясига қарата:

***Уйда бўлса бир пиёла,***
***Олиб чиққин қоқиндиқ,***
***Асал билан болдан аъло***
***Сумалакни соғиндик, —***

деб куйлагувчи қўшиғи элимизга, дилимизга Наврўз кириб келганлиги аломати экан.

Наврўз субҳидамида дўмбира оҳангларидан Алпомиш уйғонади, Авазбек Ғиркўкни минишга ҳадди сиғмай Мажнункўк билан Исфаҳонга йўл олади, Холбека жигарбандларини бағрига босганича:

***Болаларим эминглар-да, тўйинглар,***
***Бугундан сўнг эна дешни қўйинглар, —***

деб нола-ю афғон этади.

Челакларни тиқирлатиб сойга — булоққа энаётган қиз адирда чўпон ўғли чалаётган най навосига сеҳрланиб қолади.

Ана шундай бошланади Наврўз айёми!

Ана шундай бошланади ризқ-рўз айёми!

Ана шундай бошланади КУЙ, СЎЗ айёми!

Янги кун, янги йил эскича қарашларга зарба берган музаффарлик тонги тинчлик тонгларининг ибтидоси, ғафлат тонгларининг интиҳоси бўлсин. Мижжаларимиз қанчалик залворли туюлмасин, бу тонгда Ҳазрати Навоий айтганларидек:

***Сув сепиб уйғотқусидурлар***
***сени, уйғонмасанг,***
***Ғунчаи субҳи суроҳий***
***ғулғулу кулгу била.***

***Улардан бир субҳ олғил***
***баҳраким фасли баҳор,***
***Лола ҳам жомин тутибтур***
***наргиси жоду била.***

***Настарин ё сунбул оллида***
***бўлинг хушхол иков,***
***Гар хитойи бирласен***
***саргарму гар ҳинду била...***

Тоҳиржон Ҳамроқулов тасвирга олган ушбу суратдаги 120-Наврўзни қаршилаётган Наманган тумани Хонобод қишлоғилик Турсунгул момо Ғойназарова ҳам бугун сумалакни соғиниб, ўрик гулларига интиқ бўлиб, дарвозахонага чиққан бўлса, не ажаб!

**Э. БОЛИЕВ.**

Пойтахтимиздаги «BUMI International Tashkent» меҳмонхонасида "Тошкент-таксофони" қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ҳамда Исроилнинг "Solan Communication Services" компанияси ҳамкорлиги маҳсули — ушбу корхонани ташкил этишдан мақсад республикамизда телекоммуникация тармоқлари хизматини замон талаблари даражасида ривожланишини таъминлашдир.

## «Тошкент таксофони» иш бошлади

Эътироф этиш керакки, Исроилнинг ушбу компанияси таксофон тармоғида хизмат кўрсатиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Унинг аппаратлари замонавийлиги, фойдаланишга қулайлиги билан бирга чиройли дизайнга ҳам эга.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар мазкур ҳамкорлик Президентимизнинг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонининг амалдаги ижроси эканлигини алоҳида қайд этишди.

Яқин кунлар ичида пойтахтимиз кўчалари, метро бекатлари, аэропорт ва бошқа аҳоли гавжум жойларда ривожланган мамлакатлардаги сингари замонавий таксофон аппаратларига кўзингиз тушса, билингки, бу қўшма корхона жамоасининг меҳнати самарасидир. Таксофонларнинг қулайлиги шундаки, махсус карталар ёрдамида дунёнинг исталган мамлакатларига уланиш мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

*«Она юртим шаҳарлари» туркумидан*



**«Ободлик кўнгилдан бошланади!» — Президентимиз меҳр билан тилга олган ушбу ибора халқимиз ичида ҳикматга айланиб кетди. Ҳар қандай ободлик, масалан, уйда, кўчада, қишлоқда ёки шаҳарда бўладими, аввало, у одамнинг кўнглида илдиз отади, қалбида ғунчалайди. Кўнгилдан бошланган ободлик жонфидоликка айланади, кишига куч-ғайрат бағишлайди. Ва ўз-ўзидан ободлик ишқида ёниб яшаш иштиёқи пайдо бўлади.**

# Саҳро қўйнидаги гавҳар

Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги барча йирик шаҳарларнинг қиёфаси батамом ўзгариб кетаётганлигининг асосий сабаби — ободликнинг пок ва ғурурли кўнгиллардан бошланаётганлигида. Зеро, бу улкан ободликнинг, катта ўзгаришларнинг ташаббускори Юртбошимиз эканлиги ҳаммага аён. Масалан, биргина пойтахтимизда бўлаётган катта-кичик ободликларни санаб, саноғига етиш қийин. Бинолар, йўллар, кўприклар...

Бугунги Тошкентга термулиб тўймайсиз. Самарқанд сайқалига мафтун бўласиз. Бухоро гўзаллигидан лол қоласиз. Хива мўъжизасига сўз тополмайсиз. Андижон, Фарғона, Наманган ободлигини, улуғвор ўзгаришларни таърифлашга қалам ожизлик қилади. Жиззах, Термиз, Шаҳрисабз, Гулистонни кўриб, қалблар завқдан юксалади. Нукус ҳамиша ўзига маҳлиё этади... Ана шундай обод ва кўркам бўлиб бораётган гўзал шаҳарлардан яна бири — бу буюк мутафаккир бобомиз номи билан аталадиган Навоийдир.

Бу жозибали шаҳарга 1958 йилда асос солинган бўлса-да, лекин у мустақиллик йилларида чирой очиб, ўз қадр-қимматини топди. Номига муносиб шаҳар бўлди. Мустақиллик туфайли янада гўзаллашди, мамлакатнинг йирик саноат, маърифат ва дўстлик шаҳрига айланди. Ҳақиқий ободлик сари юз тутди.

Навоий шаҳрига қайси йилдан ёки қайси томондан кириб борманг, албатта, ободликка ва озодаликка дуч келасиз. Кўчалар ва йўллар равон, тоза ва чиройли. Шаҳарнинг саришталигига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бу кўркамлик аслида қалб, руҳ тозалигидан кўчган. Бу ҳолат ақлий ва маънавий тозаликка ундайди. Чунки руҳи ва ақли тоза инсон ҳаётга, жамиятга ва атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга айнан озод ва обод туйғу билан қарайди, покиза ҳислар билан баҳолайди.

Тарихдан яхши биламизки, Алишер Навоий ҳазратлари Ҳиротда вазир ва муҳрдор бўлган кезларида юрт ободлиги, эл фаровонлиги учун улкан қурилишларни амалга оширган. Ва бундай эзгу ишларга шахсан ўзлари бош-қош бўлиб турган. Навоий ҳам ободликни севган, ободлик учун курашган. Юрт ободлиги қалб ободлиги билан чамбарчас боғланиб кетсагина, инсон маънавий камолотга етишини ул буюк зот чуқур англаб етган. Масалан, Ҳирот жомеъ масжидининг қайта бунёд бўлишида Навоийнинг қанчалар фидойилик кўрсатгани ҳақида тарихчи олим Хондамир ўзининг машҳур «Хулосат ул-ахбор» асарида шундай деб ёзган: «Хайру саховатли бинокор амир Алишер ўша иморатни тиклаш хусусида кўп ғамхўрлиги бўлганидан ҳар куни ўша шарофатли манзилга ташриф буюрар, кўп кунлари этакни белга қистириб, ёлланган ишчилар каби усталарга ғишт олиб берарди ҳамда бошқа юмушларни қиларди, тез-тез ўша ердаги меъморлар, усталар ва косибларга қимматбаҳо саруполар кийдирар ва уларни кўп сийлар ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиларди». Айнан шу муаллифнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида эса бевосита Алишер Навоийнинг ташаббуси ва раҳбарлигида қурилган ўнлаб иморатлар, работлар, ҳовузлар, кўприклар ва ҳаммомларнинг номлари бирма-бир кўрсатилган ҳамда уларнинг қисқача баёнлари берилган.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, юрт ободлигига астойдил киришган Алишер Навоий, эҳтимол, ажойиб ва гўзал бир шаҳар бунёд этишни орзу қилиб, унга шахсан ўзлари бош-қош бўлишликни Яратгандан сўраганликлари ҳақиқатдан йироқ эмас. Эҳтимол, қурилажак шаҳарнинг лойиҳаларини хаёлларида, қалбларида чизган бўлишлари ҳам мумкин.

Ана шундай гўзал орзулар оғушида юрган буюк шоир кўркам ва озода бир шаҳарни тушларида кўрган бўлсалар, не ажаб? Тушда кўрган шаҳри Навоийнинг улуғ армонларидан бири бўлиб қолган бўлса, не ажаб?.. Ва беш аср ўтиб ана шу — тушда кўрилган шаҳар саҳро бағридаги гавҳари Навоий авлодлари Ватанида қад ростлаган бўлса не ажаб?..

Шўролар даврида шаҳар кўчаларида алвон-алвон шиорлар осиғлиқ турарди. Бугун бу ёруғ кўчаларда Навоий ҳикматлари, мустақиллик шиорлари кўзларни яйратиб, дилларга ҳаловат бағишлайди. «Фарҳод ва Ширин» маданият саройи шаҳарнинг маънавият ҳамда маърифат маскани ҳисобланади. Йирик маданий тадбирлар, анжуманлар шу саройда ўтказилади. Фарҳод ҳайкали жасоратга, бунёдкорликка чорлаб туради. Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида янгидан бунёд этилган Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилиши мамлакатимиз маънавий ва маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Навоийга Навоийда боғ барпо этилиши, Навоийга Навоийда маҳобатли ҳайкал ўрнатилиши, халқимизнинг буюк фарзандига бўлган буюк эҳтироми намунасидир.

Навоий боғи ҳамиша гавжум. Ҳайкал пойидан гуллар аримайди. Никоҳ тўйлари бўлаётган келин-куёвлар боғни зиёрат қилиб, ҳайкал олдида суратга тушиб, буюк боболаридан «дуо» олиб кетадилар.

Улуғ шоиримиз халқимизни улуғ дуолар билан сийлаб кетган бўлсалар керакки, бу барҳаёт дуолар ҳамон ижобат топиб келаётир. Она юртимизни, халқимизни бало-қазолардан, турли офатлардан асраб-авайлаб келаётган ҳам, эҳтимол, Навоийнинг дуоларидир.

Навоийнинг дуоларида эзгулик, яхшилик, имон-эътиқод бор.

Навоийнинг дуоларида меҳр-мурувват, саховат, кут-барака бор.

Навоийнинг дуоларида тинчлик, осойишталик, аҳиллик бор.

Навоийнинг дуоларида ободлик, фидойилик, бунёдкорлик бор.

Навоийнинг дуоларида дўстлик, биродарлик, қардошлик бор.

Навоийнинг дуоларида ҳамиша ўзбек бор, Ўзбекистон бор...

Навоий республикамиздаги энг йирик саноат шаҳри ҳисобланади. Бу ерда рангли ва нодир металлар, цемент, кимё, қурилиш материаллари, ун ва нон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, енгил саноат моллари ишлаб чиқарилади. Навоий давлат педагогика ва давлат кончилик институтларида ўн мингга яқин талаба таҳсил олади. Шунингдек, кончилик, қурилиш, санъат ва маданият, техника, тиббиёт, педагогика коллежлари турли соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаб беради. Йигирмага яқин мактаб ва лицейлар мавжуд.

Навоийда физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Уч ярим минг ўсмир спортнинг 16 тури бўйича мунтазам шуғулланади. Жаҳон ва республика мусобақаларида навоийлик спортчиларнинг алоҳида ўрни бор.

Навоий — халқлар дўстлигининг ёрқин ойнаси. Унда турли миллат ва элат вакиллари оға-инилардек яшайдилар, меҳнат қиладилар. Улар ўз шаҳарлари билан доимо фахрланадилар. Ўз уйларини ҳамиша озода тутишни ўзларининг шарафли бурчлари, деб биладилар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Навоий шаҳрида йўлга қўйилган коммунал-хўжалик ишларининг ибратли томонларидан ўрганса арзийди. Ёзин-қишин ям-яшил бўлиб, яшнаб турадиган бу шаҳарнинг оддий йўлакларидан тортиб, йирик кўчаларигача топ-тоза. Бу ҳам миллат маданиятини белгиловчи бир омил. Аслида эса кўнгилдан бошланган ободликнинг серҳосил мевасидир.



**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

***Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани «Kommunal xizmat direksiyasi» шўъба хўжалик жамияти (ОКПО коди 19025262) тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 62-уй, телефон: 134-13-63.***

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси ўқитувчиси Бердиёр Умурқуловга падари бузруквори

**БОБО отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Тарих институти жамоаси институтнинг собиқ ходими

**Қурбонгул САИДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси жамоаси Тошкент шаҳар филиали директори Бахтиёр Мирзаҳмедовга акаси

**Ниғматилла ФАЙЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Енгматтижмарказ» акциядорлик жамияти жамоаси бошқарув раисининг ўринбосари Фарҳод Сатторовга волидаи муҳтарамаси

**Шарофат ая САТТОРОВАнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси институт доценти

**Ҳожиакбар ПЎЛАТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент юридик коллежи жамоаси «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи Мардон Тулабоевга волидаи муҳтарамаси

**РОБИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —472. 33413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00 1 3456